Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

1990 йил 10 январь
ЧОРШАНБА
№ 8 (4.802).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

ИЛҒОР ТАЖРИБА МАСКАНЛАРИ

МУЗ ЖОЙИДАН КЎЧДИ

Бу жойни биринчи марта кўраётганим йўқ. Беш-олти йил муқаддам сут етиштириш камайиб кетганлиги учун танқидий мақола ёзишга тўғри келганди. Икки йил аввал эса Ўзбекистон радиоси билан қўшма рейд ўтказаётганимизда борган эдик. Ўшанда ҳам кўнглимиз тўлмай қайтганмиз. Айниқса чорвадорларга етарли шароит яратилмаганлиги, озуқадан тежаб-тергаб фойдаланилмаётгани оқибатида исрофгарчиликка йўл қўйилаётганлигини таъкидлаган эдик.

Мана, ўшандан бери маълум муддат ўтди. Ҳамма жабҳаларда ўзгаришлар, янгиланишлар содир бўлаётир. Ленинск шаҳрига қарашли «Коммунизм» колхозининг сутчилик фермасида нима гаплар бўлди экан ёки ўша аввалги ноҳуш манзара ҳамон давом этяптимикан, деган фикрда учинчи марта у томонларга йўлни бурдим.

Таниёлмай қолдим, демоқчи эмасман. Ҳар ҳолда ферма остонасидаёқ янги одамларга, дастлабки ўзгаришларга, холис ниятларга дуч келдим. Мутахассислар ҳам, раҳбарлар ҳам деярли ёшлардан. Ферма мудири Маҳаммаджон Тиловолдиев, бош зоотехник Абдуманноб Раҳимов улуғ режалар тўғрисида ҳикоялар айтиб ўтиришмади, нимаики иш қилаётган бўлсалар, ўшалар билан таништириб қўя қолишди.

Ферманинг бугунги манзараларини аввалги йиллардаги аҳволига хаёлан қиёслай бошлайман. Жами мутахассислар жойлашиб олган мўъжазгина бино бир четда мунғайиб қолибди. Унинг ёнида ҳашаматли иморат қад кўтарган. У ёруғ, кенг залга эга. Ўнга яқин алоҳида-алоҳида хоналар ойнадек ярақлайди. Чорвадор учун ҳам мана шундай жозибали шароит насиб этганидан ичичимдан қувонаман. Тўғри, хоналар ҳали жиҳозланмаган, чунки эндигина сўнгги пардоз берилибди. Лекин фермада мана шундай комплекс бино қуриб битказилишининг ўзи катта бир ўзгариш.

Яна бир муҳим аломат, шуки, оғир қўл меҳнати асосан тугатилибди. Суғоришдан тортиб, озуқа тарқатишгача бўлган барча ишлар механизациялаштирилган. Чиқитлар махсус механизмлар ёрдамида ташқаридаги тележкаларга келиб тушмоқда. Молхоналар, бузоқхоналар саранжом-саришта. Ҳар бир ижарачи ўз жойида тартиб билан иш юритаяпти.

Ўтган сафар айниқса бир манзарадан ранжиб қайтгандим. Минг тоннага яқин лавлагини ташқарида қор босиб ётарди. «Ёпиқ жойимиз йўқлиги учун ноилож шу ерга йиғиб қўйдик» дейишганди ўшанда. Озуқа цехи ҳам темир-терсаклар уюмини эслатарди. Ана ўшалар ўрнида тамом ўзгача манзара. Атрофи пишиқ ғиштли девор билан ўралган майдон емхашакни қайта ишлаш заводини эслатади. Бир тарафда силос ўралари ёнида беда, сомон ғарамлари. Унинг яқинигинасида озуқа цехи. Қўрғон дарвозаси олдида эса улкан тарози. У ердаги шинам хонада ўтирган тарозибон ҳамиша ҳушёр. Молбоқарлар кунлик емишни мана шу ердан қабул қилиб олишади.

Ҳисоб-китоблар аниқ юритилаётган бу жойда Мансурбек Ҳакимов бошлиқ емхашак бригадаси аъзолари меҳнат қилишади. Озуқабоп экинларни ўн кишидан иборат мана шу ижарачилар етиштиришган, йиғиштириб олишган, мана шу ерга жойлашган. Қишлов пайтида ҳам ҳар миқолини ўлчаб, ўзлари тарқатишаяпти. Шундай экан, исрофгарчилик, тортторт қаердан бўлсин. Бутун жараён фермада ишлаётганлар кўз олдида кечаётир. Бу қишловга 1.668 ўрнига 2.100 озуқа бирлиги жамғарилган. Бу ўтган йилдагига нисбатан 500 озуқа бирлиги кўп демакдир.

Ижара туфайли меҳнат тарзида ҳам ўзгариш бўлди. Маҳаммаджон Тиловолдиев бош ижарачиликни зиммасига олди. Ўтган йили фермада 59 киши ишлаган бўлса, бу йил ўша миқдордаги юмушларни 38 ижарачи адо этмоқда. 1988 йилда битта молбоқар ўртача 35 та сигирни парвариш қилган бўлса, ижарага ўтилиши муносабати билан бу йил 70 сигирни боқаётир. Қўл меҳнати ўрнини механизация эгаллаганлиги шарофати билан шундай имконият яратилди. Шунга биноан молбоқарларнинг моддий манфаатдорлиги ҳам ошди. Ойлик маош 152 сўмдан 300—350 сўмга кўтарилди.

Фермада биров бировга иш тайинлаши, буйруқбозлик барҳам топди. Ҳар бир ижарачининг нима қилиши тайин. Кимки яхши, унумли ишласа, шунга яраша мўмай ҳақ олади. Дангасанинг жазоси ўзи билан. Ҳар қандай бой берилган фурсат ва бажарилмаган ёки кечиктирилган юмуш чорвадорнинг иш ҳақига ўша куниёқ таъсир этади. Буларнинг ҳаммаси туб ўзгаришларни содир этмоқда, маҳсулот миқдорининг кўпайишига, сифати яхшиланишига омил бўлмоқда.

Бултур пландаги 221 бош сигирнинг ҳар биридан 2.369 килограммдан, жами 500 тонна сут соғиб олиш режалаштирилган эди. Ўн бир ойдаёқ бу кўрсаткич ортда қолдирилди.

Сигирсоғарларнинг унумли ишлашлари учун ҳам етарли шароит яратилди. 12 нафар соғувчи 24 та сут соғиш аппарати билан таъминланган. Битта алмаштирувчи соғувчи ажратилган. У ўн битта соғувчини навбати билан бир кундан ишдан озод қилиб боради. Гулчеҳра Раҳимова, Дилфуза Дониёрова, Қимматхон Йўлдошева сингари сигирсоғарлар ҳар сигирдан планда белгиланганидан 150—200 килограмм кўп сут соғиб олишди.

Хўжаликда гўшт етиштириш ва тайёрлаш ижара усулига ўтказилгач қатор қийинчиликлар ўз-ўзидан барҳам топди. Ижарачиларга бўрдоқининг семиришига қараб ҳақ тўлана бошланди. Бу бўрдоқибоқарларда қизиқиш уйғотди. Йиллик план муддатидан анча илгари бажарилди. Биргина мисол: бўрдоқибоқар Иминжон Хўжаев ўз қарамоғидаги 50 та новвосни ўтган ойда 1.200 килограмм семиртиргани учун унинг ойлик иш ҳақи 404 сўмдан ошди. Ў ҳозирги кунларда ҳам бўрдоқиларнинг бир кеча-кундузлик семиришини 750—800 граммга етказаётир. Бунинг учун 9—10 озуқа бирлиги сарфлаётир.

Хуллас, чорвадорда ўз ишига меҳр кучайганлиги сезилиб турибди. Бунга моддий манфаатдорликнинг бирмунча ортганлиги сабаб бўлаётир. Иккинчидан эса фермадаги ишлар тартибга келтирилиб, аниқ йўналиш касб этганлиги бутун куч-ғайратни ишга солиш имконини бермоқда.

Асакадан Марҳамат томонга чиқаверишингизда, шундоққина адир биқинида жойлашган бу фермадан бу гал анча дилим равшан тортиб қайтдим. Энг муҳими, бу ерда муз жойидан кўчибди. Чорвадорлар янгича ишлаш сари ҳаракатга келишибди. Қут-барака, файз кира бошлабди.

А. ҚОРАБОЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

Чорвадорлар учун синов дамлари авжига чиқмоқда. Бу даврга пухта тараддуд билан келган ферма ходимлари ғафлатда қолишмади. Охунбобоев районидаги «Победа» колхози яйловларини айни кунларда қор кўрпа қоплаган. Чорвадорлар бу борада суяги қотган чўпон Сойиб Тойқораевдан ўрганишга ҳаракат қилишаяпти. Жорий йилда ҳар 100 бош совлиқдан 115 тадан қўзи олишга бел боғлаган азамат отарида ҳозир қўйлар тўқ ва иссиқ қишлаяпти.

СУРАТЛАРДА: 1. Омилкор чўпон Сойиб Тойқораев. 2. Сурув яйратиб боқилмоқда.

Л. КИМ олган суратлар.

ПЛЕНУМ ҚАТНАШЧИЛАРИ БИР ГУРУҲИНИНГ ЛИТВА ССРда БЎЛИШИ

ВИЛЬНЮС, 8 январь. (ТАСС). КПСС Марказий Кометети декабрь пленумининг қарорига биноан пленум қатнашчиларидан бир группаси Литва ССР коммунистлари, партия ташкилотлари, меҳнат коллективлари билан учрашиш учун бугун республикага келди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев Вильнюсдаги «Жальгирис» станоксозлик заводига борди ва цехларда ишбу корхона ишчилари, инженерлари, раҳбарлари билан учрашди. Суҳбатлар чоғида ҳозирги вақтда ана шу улкан корхона коллективини ташвишлантираётган муаммолар тўғрисида фикрлашиб олинди. Завод конвейерида ҳам, транспортда ҳам, уй-жой қурилишида ҳам қайта қуриш нима учун тўсқинликка дуч келаётганлиги кишиларни ҳаяжонга солмоқда. Қайта қуриш учун мана шу масъулиятли даврда республика коммунистлари дуч келган вазият кўпчиликда ташвиш уйғотмоқда. Литвада миллатлараро муносабатлар иқлимини яхшилаш зарурлиги таъкидланди.

Сўнгра заводнинг ниҳоятда гавжум клубида корхона меҳнаткашлари билан учрашув бўлиб ўтди. В. А. Медведев йиғилиш аҳли ҳузурида нутқ сўзлаб, КПСС Марказий Комитети пленумида Литва Компартияси ХХ съездининг КПСС составидан чиқиш тўғрисидаги қарорлари муносабати билан вужудга келган вазият қизғин, ошкора ва манфаатдорлик руҳида муҳокама қилинганлигини айтди. Муҳокама қилинган масаланинг аҳамияти иттифоқдош республика Компартияларидан бирининг тақдири тўғрисида гап бораётганлиги билангина эмас, айни пайтда бу умуман партияга таллуқли умумсиёсий масала, миллатлараро муносабатлар ва миллий-давлат тузуми ҳамда иқтисодий ислоҳот муаммоларига бориб тақаладиганлиги билан ҳам белгиланади, деди у. Литва Компартияси ХХ съездининг қарорлари — КПССнинг байналмилал бирлигига, янгиланган федерация қурилишига, бутун қайта қуришга зарба эканлиги тўғрисида ҳам умумий хулосага келинди.

Айни пайтда кўпчилик реал вазият билан ҳисоблашишни, рўй берган воқеаларга принципиал баҳо беришни ўз ичига олган ва шу билан бирга муроса йўлига тўғаноқ бўлмайдиган пухта ўйланган қарор қабул қилиш зарурлиги тўғрисида гапирди. Қайта қуриш теранлиги ва қўлами муқаррар биз учун янги бўлган вазиятлар юзага чиқишига олиб келади ва бунда саросимага тушмаслик, қизиққонлик қилмаслик, ҳиссиётга берилмай, балки ақл-идрокка амал қилиш муҳимдир.

Ҳозирги муаммолар ва қийинчиликларнинг асосий сабаби нимада? Бунга, албатта, қайта қуришнинг ўзи сабаб эмаслиги таъкидланди. Қайта қуришни бунинг асосий сабаби деб билиш — ҳамма нарсани остин-устун қилиш, амалда эса қайта қуришга қарши чиқиш демакдир. Қайта қуриш эса бизнинг ягона имкониятимиздир. Ҳаракат дастури қайта қуриш жараёнларига кенг имконият беришдан ва бу жараёнлар бирмунча амалий, бирмунча осойишта ва ишчанлик вазиятида ўтишига имкон беришдан иборат.

Бугунги кунда қайта қуриш учун, унинг иккинчи босқичи учун барча эшиклар кенг очиб қўйилган, республикаларнинг сиёсий жиҳатдан ҳам, иқтисодий жиҳатдан ҳам, миллий жиҳатдан ҳам мустақиллигини ошириш сари ҳаракат қилинмоқда. Қайта қуриш жараёнларини кенг авж олдириш жиҳатидан қараганда Литва Компартияси ХХ съездининг қарорлари амалда республикани мамлакатда рўёбга чиқарилаётган демократик жараёнлар изидан четлаштиради. Буни КПССга унинг қайта қуриш йўлига ишончсизлик ифодаси, қайта қуришнинг ривожланишидаги энг қалтис паллада унга зарба дейишдан бошқача баҳолаб бўлмайди. КПСС Марказий Комитетининг секретари КПССнинг ўзидаги демократиялаш, фикрлар хилма-хиллиги ва уларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш асосида олиб борилаётган ва рўёбга чиқарилаётган қайта қуриш йўллари тўғрисида сўзлаб берди. У муаммоларни ҳал этиш йўлларини биргаликда қидириб топишга, қайта қуриш қийинчиликларини биргаликда бартараф этишга ва мамлакатни ривожланишнинг янги даражасига олиб чиқишга даъват этди.

Учрашувда Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Бразаускас, КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи Литва Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Бурокявичюс, КПСС Марказий Комитети ва КПСС Марказий Комитети Россия бюросининг аъзоси, Вологда область партия комитетининг биринчи секретари В. А. Купцов, заводнинг етакчи конструктори А. Меньшаков, автомат бошқарув системаси бўлимининг бошлиғи В. Жало, слесарь В. Корачев ва корхонанинг бошқа ходимлари сўзга чиқдилар.

Кечқурун В. А. Медведевнинг Литва Компартиясининг Вильнюс шаҳридаги Янги Вильня район партия комитетида учрашуви бўлди.

Шу куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари, СССР Госплани раиси Ю. Д. Маслюков Снечкус шаҳрига сафар қилди. У Игналина атом электр станциясининг меҳнат коллективи ва партия фаоллари билан учрашди.

КПСС Марказий Комитетининг аъзолари Е. П. Велихов, В. В. Григорьев, В. Г. Колесников, Г. А. Ягодин КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат В. В. Никитин, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзоси М. А. Ульянов СССР халқ депутатлари И. А. Каримов ва Б. И. Олейниклар ҳам КПСС Марказий Комитети пленум қатнашчилари группаси таркибида учрашувлар ўтказиш учун Литвага келдилар.

ЯКУНЛАР ҚУВОНТИРАДИ

Навоий номли колхоз Чортоқ районидаги кўп тармоқли йирик хўжаликлардан бири. Ҳозир унинг ихтиёрида 1.500 бош қорамол, 2.300 бош қўй, кўплаб парранда бор. Бу ерда қайта қуриш туфайли чорвага алоҳида эътибор билан қараладиган бўлиб қолди. Тармоқ мутахассисларига талабчанлик ошди. Ҳал қилувчи ўринларга ташкилотчи кадрлар юборилди. Чорвадорларга ғамхўрлик диққат марказига қўйилмоқда. Ҳисоб-китоб ишларида жиддий назорат олиб борилаяпти.

Кўрилаётган тадбирий чоралар чорвачиликнинг тобора ўнгланишига олиб келаяпти. Буни якунланган йил натижалари яққол кўрсатиб турибди. Моллардан насл олиш план топшириқлари ошириб бажарилди. Давлатга сут, гўшт, тухум сотиш йиллик планлари муддатидан 1,5—2 ой олдин адо этилди. Ҳар сигир маҳсулдорлиги 3.050 килограммга етказилди. Бу 1988 йилдагига қараганда 268 килограмм кўпдир. Айни вақтда ем-хашак етиштириш, ташиш харажатлари камайди. Шу ҳисобга бир центнер сут таннархи 4 сўмга озайиб, 27 сўмга тушди.

Иқтисодий кўрсаткичлар қувонарли. Агар бултур тармоқ хўжаликка 38 минг сўм зарар келтирган бўлса, бу йил бир миллион сўм ялпи даромад олиш, жумладан 120 минг сўм соф фойда кўриш мўлжалланмоқда. Бошқача айтганда, чорвачилик рентабеллиги биринчи марта 16 фоиз бўлишини таъминлаш кўзланаяпти.

Дастлабки натижалар чорвадорларни янада ғайратшижоат билан ишлашга ундамоқда. Мол-қўйлар қишга мосланган иссиқ бино ва қўраларда парвариш қилинмоқда. Чорвачилик билан боғлиқ юмушларнинг тўртдан уч фонзи механизация зиммасида. Мавжуд озуқадан тежаб-тергаб фойдаланиш ҳисоб-китоб диққат марказида бўлмоқда. Сигирсоғар Раъно Йўлдошева, Мавлуда Тўлабоевалар энг кўп сут соғиб олишнинг олдинги сафида боришаётган бўлса, молбоқар Мирзамаҳмуд Бобоев, чўпон Атан Ашуров, Маъдан Ниёзов, паррандабоқар Тожимирза Назаровлар қишловни беталафот ўтказиш учун курариш ташаббускорлари бўлишаяпти.

— Назаримда, — дейди колхоз бош зоотехниги С. Усубжонов, — қайта қуриш талаблари асосида ёндашув туфайли чорвачиликни истиқбол йўлига солиб олдик. Энди бу йўлдан қайтиш йўқ.

С. ТУРҒУНОВ.

ЮТУҚЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАБ

Янгийўл районидаги «СССР 60 йиллиги» колхозининг чорвадорлари Озиқовқат программасининг муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш ниятида фидокорона меҳнат қилишаяпти. Азаматлар ўтган йили эл дастурхонига 420 тонна сут, 32 тонна гўшт, 16 минг 500 дона тухум етказиб беришди. Хўжаликда ҳар говмишдан ўртача 2.890 килограммдан сут соғиб олиш режалаштирилганди. Тажрибали оқ чашма соҳибаларидан Раҳима Эгамбердиева, Тамара Букриева, Неля Турғунбоевалар ўзларига биркитилган ҳар сигирдан 3.150 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олдилар.

Фермада 526 бош қорамол бўлиб, шундан 145 таси говмишлардир. Бу ерда молбоқар, бузоқбоқар, сигирсоғарлар ўртасида ўзаро мусобақа намунали йўлга қўйилган. Шу боисдан ҳар бир касб соҳиби бу беллашувда ғолиблик қилиш ниятида унумли ишлашга ҳаракат қилаяпти. Аҳил коллектив ўтган йили қўлга киритилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш, чорва қишловини бечиқим ўтказиш учун қорамолларни тўйимли рацион асосида, меҳр билан парваришлашаяпти. Бунда молбоқарлардан Пўлат Боботов, Абдураҳим Зиёвуддинов, бузоқбоқар Люда Тагирова ўзаро мусобақада пешқадамлик қилишаяпти.

— Ферма коллективининг унумли меҳнатдан сўнг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароит муҳайё этилган, — дейди колхоз правлениеси раиси Исанби Эралиев. — Мусобақа ғолиблари ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантирилиб борилаяпти. Чорвадорлар уйида радио, телевизор, газета-журналларнинг янги сонлари мавжуд.

Хўжалик чорвадорлари жорий йилда эл дастурхонига 430 тонна сут, 33 тонна гўшт, 10 минг дона тухум етказиб беришни режалаштиришган. Ҳозирги кунда оқ чашма соҳибалари ҳар говмишдан 8—9 килограммдан сут соғиб олиб, тайёрлов пунктига 1.000—1.100 килограммдан сут жўнатишаяпти.

Э. ТЎЛАГАНОВ.

БАРАКА БУЛОҒИ

Якунланган йилнинг эрта кўкламида Дўстлик районидаги Саркисов номли совхознинг еттинчи бригадасида олти кишидан иборат янги онлавий звено тузилди. Унинг етакчиси Мирза Худоёров ўша кезлари Тошкент қишлоқ хўжалик техникумини эндигина битириб келган эди.

Масъулият, мустаҳкам ирода инсон ҳаётида қай даражада муҳимлигини Совет Армияси сафидаги хизмат мобайнида чуқур ҳис қилган эмасми, Мирза дуч келган дастлабки қийинчиликлардан чўчимади, аксинча зўр ғайрат билан меҳнат қилди. Чунки астойдил ҳаракат қилмай туриб 38 гектар ердан кўзланган ҳосилни олиш мумкин эмаслигини у яхши биларди. Эндигина униб чиққан нозик ниҳолларни яксон қилган кўкламги кутилмаган совуқ буни яна бир карра ёдга солди.

Далаларга уруғ қайта қадалди. Энди экинни икки карра эътибор билан парваришлаш талаб қилинарди. Ҳарбий хизматнинг бир йилини Афғонистонда ўтаб қайтган байналмилал жангчи Ҳасан Худоёров қатор ораларнга ишлов беришни ўз зиммасига олди.

Ёш деҳқонларнинг бир ёқадан бош чиқариб, сидқидил меҳнат қилганлари самарасини кўрсатди: уларнинг звеноси пахта йиғимтеримини районда биринчи бўлиб ниҳоясига етказди. Онлавий звено аъзолари ҳар гектар майдондан белгиланган 26 ўрнига 31 центнердан оқ олтин хирмони уйдилар. Жами ҳосил терим машиналари ёрдамида йиғиштириб олинди. Яна шуниси қувончлики, унинг асосий қисми биринчи сортга қабул қилинди. Хом ашё сифатини оширишга эришгани боис звено 45 минг сўм даромад қилди.

Хўжалик ҳисобининг афзалликларини қалбан ҳис қилган оила аъзолари жорий йилда янада катта ютуқларни қўлга киритишни дилларига тугиб қўйишган. Уларнинг мақсади — ҳосилдорликни гектар ҳисобига 35 центнерга етказиш.

А. ИМОМОВ.

СЕССИЯ МАЖЛИСИДА ҚАТНАШИШ УЧУН

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг раиси Н. И. Рижков бошчилигидаги совет делегацияси Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши сессиясининг 45-мажлисида қатнашиш учун 8 январь куни Москвадан Софияга жўнаб кетди. Делегация составида СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари Н. П. Лаверов ва С. А. Ситарян, СССР ташқи иқтисодий алоқалар министри К. Ф. Катушев, СССР молия министри В. С. Павлов СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари И. П. Абоимов, СССР Госплани раисининг ўринбосари Ю. П. Хоменко, СССРнинг Болгариядаги элчиси В. В. Шаравов бор.

(ТАСС).

МУНОСИБ НОМЗОДЛАР

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови бошланадиган кунгача бир ойдан сал кўпроқ вақт қолди. Шу кунларда номзодларни рўйхатга олиш давом этмоқда. ЎзТАГ мухбирлари сайлов округларида номзодлар рўйхатга олинаётганини хабар қилмоқдалар:

22-Қорасув сайлов округидан — В. Д. Журин номидаги Ўрта Осиё ирригация илмий тадқиқот институти илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори В. А. Духовний; Қизил Байроқ орденли Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институти партия комитетининг секретари Ш. М. Мирзаев; СССР Ички ишлар министрлигининг Тошкент олий мактаби бошлиғи Н. И. Ожиганов;

* * *

133-Бўтақора сайлов округидан — Андижон пахтачилик институтининг ректори А. Х. Мамадалиев; Андижон район марказий касалхонасининг врачи Ф. Абдураҳимов; Андижон районидаги «Ленинград» колхозининг раиси Б. Сатторов.

* * *

24-Завод сайлов округидан — 13-поликлиниканинг бош врачи С. К. Валиева; 210-ўрта мактаб директорининг ўринбосари В. Г. Зинченко; 36-ўрта ҳунар-техника билим юртининг директори В. М. Корабельников.

Партия фаоллари йиғилиши

Термизда Сурхондарё область партия фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнашчилари областдаги иҳтимоий-иқтисодий муаммоларни жадал ҳал этиш негизи сифатида қурилиш моддий-техника базасини янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Йиғилишда Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. Э. Бердиев нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

ИНСОН ҲИМОЯГА МУҲТОЖ

Газетхонларнинг хатлари ва саволларига СССР халқ депутати, СССР Олий Советининг аъзоси Эркин ЮСУПОВ жавоб беради

Мен СССР халқ депутати сифатида мамлакатимизнинг турли бурчакларидаги меҳнаткашлардан юзлаб хатлар олмоқдаман. Уларнинг кўпчилигида атроф муҳитини яхшилашга, совет кишиларининг ҳуқуқий ҳимояланишига кафолат бўладиган шарт-шароит яратишга доир масалаларни тезроқ ҳал этиш зарурлиги ҳақида фикр юритилмоқда. Ана шу масалалардан баъзиларининг ечилишига баҳоли қудрат ўз ҳиссамни қўшаяпман. Келаётган хатлар орасида муаллифлар менинг нуқтаи назаримни билишни исташаётгани ҳам талайгина.

Ўртоқ Ф. Исмоилов [Тошкент шаҳри] ўз мактубида демократия ва ошкоралик соҳасида яратиб берилган имкониятлар меҳнаткашлар, СССР халқ депутатлари томонидан қандай фойдаланилаётгани тажрибаси ҳамда даражаси ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилган.

Дарҳақиқат, ижтимоий ҳаётни демократиялаш ва ошкораликни кенгайтириш қайта қуришнинг энг сезиларли натижаларидан бири бўлди. Аслини олганда бу социализмнинг моҳиятидан келиб чиқадиган, аммо жамиятимизда узоқ вақт фойдаланилмай қолган олижаноб, инсонпарвар ғоялар қаётга аниқ тарзда татбиқ этилишининг ўзгинасидир.

Одамлар демократия ва ошкораликдан оқилона фойдаланишга ҳам ғоявий, ҳам маънавий жиҳатдан тайёр бўлсаларгина бундай неъматлар реал кучга айланади, қайта қуришнинг етилган вазифаларини ҳал қилишга ёрдам беради. Бунинг учун эса юксак сиёсий маданият, узоқни кўра билиш ва донолик, ғоявий-маънавий етуклик ва поклик, янги ҳуқуқ ва имкониятлардан ижтимоий тараққиётни жадаллаштириш йўлида фойдалана билиш зарур.

Совет кишилари давлатимизнинг бутун 72 йиллик тарихи мобайнида демократия ва ошкораликдан баҳра олиш тажрибасига тўласинча эга бўлмадилар. Шунинг учун ҳам биз қайта қуриш демократия ва ошкоралик соҳасида яратиб берган имкониятлар билан омма томонидан улардан оқилона фойдаланиш ўртасида муайян зиддиятлар келиб чиқаётганлигини ҳис этиб турибмиз. Бундай қарама-қаршиликлар айрим раҳбарлардан тортиб меҳнаткашларнинг муайян қатламларига қадар жамиятимизнинг ҳамма бўғинларида кўзга яққол ташланмоқда. Баъзи кишилар фикрлаш, ҳаракат қилишнинг эскириб кетган қолипларидан қутула олишмаяпти. Улар қотиб қолган фикр-мулоҳазалар асири сифатида қайта қуриш ва социализмни янгилашнинг тарихий муқаррарлигини яққол ҳис этишаётгани йўқ. Аҳоли баъзи қисмининг анархиячиларга хос дунёқараши, ўйламай-нетмай содир этаётган хатти-ҳаракатлари натижасида аҳвол янада кескинлашиб бораяпти, етилган барча муаммоларни бир ҳамла билан тезроқ ечишдан иборат талаблар ёмон оқибатларга олиб келмоқда. Бундай талаблар кўпроқ иқтисодий маъно касб этмоқда. Халқимиз қозонда бўлса, чўмичга чиқади, дейди. Жамиятимиз қозони эса ҳозирча қуруқ. Ҳулоса битта: ҳар қандай талаб қўйилаётганда энг аввало жамиятнинг бугунги имкониятлари ҳисобга олиниши керак.

Бўлар-бўлмасга митингларга тўпланавериш, миллатчилик, маҳаллийчилик кайфиятларини авж олдириш, салбий ҳолатларни бўрттириб кўрсатиш, бунёд этиш ўрнига вайрон қилишга қаратилган ҳис-туйғуларни жунбушга келтириш қайта қуришнинг илк самараларидан оқилона фойдалана билмасликнинг ана шундай аниқ тарздаги ифодаси бўлди. Айтиш керакки, ҳиссиётларга берилиш ҳар қандай вазифани, айниқса, ягона, кўпмиллатли мамлакатимизнинг бундан бўёнги тақдири билан боғлиқ тарихий қийин, катта масалаларни ҳал этишга асло ёрдам бермайди.

Қизиққонлик ва ҳис-туйғуларга берилишнинг кўпикли тўлқини узоқни кўролмайдиган анчамунча лўттибозларни, демократияни анархияга айлантиришга уринувчиларни, ижтимоий ҳаракатни бузғунчилик йўлига солиб юбориш пайида бўлаётганларни яққол кўрсатиб қўйди. Одамлар ҳамиша янги ғоялар, шиорларга ўч бўладилар, аммо уларнинг моҳиятини, маъноси-ю аҳамиятини ҳамма вақт ҳам тез тушуниб етавермайдилар. Сиёсий амалпарастлар ва бузғунчилар, шуси ҳам мураккаб бўлиб турган вазиятни чигаллаштириш тарафдорлари таъсирига кўпинча ёшлар тушиб қоледилар.

Биз намойишлар, митинглар ўтказиш, ўз қарашларимизни очиқ-ойдин, ошкора баён этиш учун вужудга келган имкониятлардан астойдил қувонмоқдамиз. Ҳали яқин-яқинларгача бу ҳақда фақат орзу қилишимиз мумкин эди. Бироқ миллатлараро муносабатларнинг кескинлашуви, иқтисодий ва маданий ҳаётдаги тангликнинг кучайиши билан боғлиқ баъзи муаммолар, саноат ва озиқ-овқат моллари танқислиги, айрим ҳолларда эса атайлаб шундай вазиятни пайдо қилишга уринишлар бўлаётган ҳозирги шароитда очиқчасига амалга оширилаётган иқтисодий қўпорувчилик, миллатчилик ва буюк давлатчилик шовинизмининг зararли уруғини сепаётган, мамлакатимиз босиб ўтган шонли йўлга қора бўёқ чаплаётган баъзи норасмий ташкилотларнинг пайдо бўлаётганлиги ҳолис ниятли кишиларда ташвиш уйғотмаслиги мумкин эмас.

Ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий сиёсатни амалга оширишдаги ноизчиллик ҳам ташвиш туғдирмоқда. Оғизда кооператив ҳаракатни ривожлантиришни ёқлаяпмиз-у айни пайтда унинг йўлига ўтиб бўлмас тўсиқлар қўймоқдамиз. Биз коллективлашни амалга ошириш давридаги волюнтаризм ва субъективизмни қоралаяпмиз, аммо ижарани кенг йўлга қўйиш, меҳнаткашларнинг пировард иш натижаларидан манфаатдорлигини кучайтириш йўлида дадиллик кўрсатмаяпмиз. Миллий сиёсатда ўтмишда йўл қўйилган оғишларни танқид қилган ҳолда миллатлараро муносабатлар масалаларини ҳал этишда ленинча принципларнинг янгича тарзда бузилишига йўл қўймоқдамиз. 30—50-йилларда социалистик қонунчилик бузилганлигини қоралаш билан бирга совет кишиларининг шаъни, ор-номуси топталишининг, қонунсизлик, ўзбошимчаликнинг янгича кўринишларига панжа орасидан қарамоқдамиз.

Мамлакатимизда халқ депутатлари сайлови биринчи маротаба демократик асосларда ўтказилди. Халқ депутатлигига номзодлар сайловоли мавсумининг дастлабки дақиқалариданоқ халқ вакиллари бўлишнинг бутун мураккаблиги ва масъулиятини чуқур ҳис эта бошладилар. Одамлар мамлакатнинг олий органига энг муносибларни сайлаш имконига илк бор эга бўлдилар. Бироқ бу борада ҳам хатоларга йўл қўйилди. Мен баъзи халқ депутатлигига номзодларнинг сайловолди сўзларини эшитганимда ҳайратдан ёқа ушлаб қолдим: улар ҳамма нарсани— бажариш мумкин бўлганини ҳам, бўлмаганини ҳам ваъда қилавердилар. Кўпчиликда узоқни кўра билмаслик, ўз ваъдаларини жамиятнинг ҳақиқий имкониятлари билан қиёслай олмаслик яққол сезилиб қолди. Бундай одамлар сайловдан кейин мамлакат олдида турган ҳар қандай қийинчиликларни ҳал этиб юборар эканлар, деган тасаввур пайдо бўлди. Ҳокимиятнинг олий органи «ваъдабозлар» йиғинига айланиб қолса, ҳолимиз нима кечади, деб ўйлаган эдим ўшанда. Сайловолди йиғилишларида, номзодлар билан учрашувларда одамларнинг баландпарвоз баёнотлар ва шиорларга кўр-кўрона ишонишлари муайян даражада иш бериб қолди. «Ваъда вафоси билан улуғ» деган нақл бор халқда. Ўша «ваъдабоз»лар мамлакатнинг Олий Советида иш кўраётган чоғларида одамларга нима дейишса оларкин? Уз ваъдаларини қандай бажаришаркин? Кишиларни ҳадеб лақиллатавериш, уларнинг онгини бўлмағур, иложи йўқ ваъдаларга тўлдириб ташлаш ахлоқсизликдир.

Афсуски, биз халқ депутатлигига номзодлар кўрсатишда эски қолипдан бутунлай қутулганимиз йўқ. Хорижий мамлакатлар парламентларининг кўп асрли иш тажрибасини ўрганмадик, чуқур мушоҳада қилиб кўрмадик. Натижада эскича фикрлаш принципига қаттиқ ёпишиб олган, ҳақиқат кўзига тик қарашдан, ўз нуқтаи назарини очиқ-ойдин баён этишдан чўчийдиган раҳбарлар ҳам ўз-ўзидан халқ депутатлари этиб сайланиб қолдилар. Нақадар аччиқ бўлмасин, шуни айтишим керакки, депутатлар орасида ўз вазифаларини росмана тушуниб етмаган, СССР халқ депутатлари съездлари ва мамлакат Олий Совети сессияларида муҳокамага қўйилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий ривожлантиришнинг мураккаб масалаларини чуқур ва атрофлича қараб чиқишга қодир бўлмаган одамлар ҳам йўқ эмас.

Депутатлар халқнинг, мамлакатнинг манфаатларини ҳимоя қилишлари лозим, бунинг учун эса эзгу истак ва ниятларнинг ўзи кам. Юксак даражада хабардорлик, қараб чиқилаётган барча масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарини ишончли ва асосли тарзда баён қила билиш, сайловчилар наказларини виждонан бажариш бунда муҳим аҳамият касб этади.

Кўпдан-кўп хатларда меҳнаткашлар социалистик қонунчиликка оғишмай амал қилиш, совет кишиларининг манфаатларини турли-туман тажовузлардан қўриқлаш муаммоларини қаламга олмоқдалар. Жумладан, Р. Сатторова, У. Тожихонов [Тошкент шаҳри], Ш. А. Раҳимов, Жабборова [Бухоро шаҳри], О. Чорнева [Туркманистон ССР Тошовуз области], И. А. Исмоилов [Тошкент шаҳри], Д. Р. Мустафоева ва бошқалардан ана шундай мазмунда мактублар келди. Улар Узбекистон ва Урта Осиёдаги бошқа республикаларда жиноий ишлар устидан тергов олиб бориш чоғида ҳуқуқий муҳофаза қилиш органларининг баъзи ходимлари социалистик қонунчилик принципларини ва нормаларини бузаётганликлари, одамлар камситилаётгани, уларнинг шаъни ва қадрият таҳқирланаётгани, зўравонлик ишлатилиб, далиллар сохталаштирилаётгани, ўзбошимчаликка йўл қўйилаётганлиги хусусида чуқур ташвиш билан ёзмоқдалар. Ана шундай далилларга мен ўз муносабатимни билдиришимни сўрашаяпти.

Таъкидлаб ўтиш керакки, қайта қуриш — жамиятни турғунлик йилларида тўпланиб қолган зararли қатламлардан тозалаш билан боғлиқ жараён. Ўша даврда юқори мартабали шахслар ўртасида халқ ва давлат мулкини катта ҳажмларда талон-торож қилиш, порахўрлик, маҳаллийчилик ва ҳомийлик, қўшиб ёзиш ва кўзбўямачилик ҳоллари ҳийла авж олган, жамиятимизга ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан катта зарар етказилган эди. Одамлар ўн йиллар мобайнида мартабали шахсларнинг сўзи билан иши ўртасида кескин фарқ борлигини сезмасликлари мумкин эмасди. Ўшандай шахслар социалистик инсонпарварлик, ҳалоллик, ахлоқий-маънавий поклик ҳақида баландпарвоз гаплар айтиб, аслида эса ижтимоий адолат принципларини қўпол равишда бузадилар, хизмат мавқеини суиистеъмол қилдилар, социалистик мулкни таладилар ва порахўрлик билан шуғулландилар. Бунинг барчаси уларнинг жамиятдаги обрўйини туширибгина қолмасдан, умуман социализм ҳақида нотўғри тасаввур ва тушунчалар пайдо бўлишига олиб келди. Салбий ҳолатларга қарши кураш ҳеч кечиктириб бўлмайдиган ва ғоят муҳим вазифага айланди. Худди шунинг учун ҳам партиянинг бу соҳадаги сиёсатини бутун халқ астойдил қўллаб-қувватлади.

КПСС XXVII съезди ҳужжатларида порахўрлик, талон-торож, қўшиб ёзиш, кўзбўямачиликлар кенг миқёсларда авж олган республикалар ва регионлар аниқ кўрсатиб ўтилди. Узбекистоннинг номи ҳам ана шундайлар қаторида тилга олинди. Бу ҳеч шубҳасиз ҳақиқатдир. Аммо бошқа ҳақиқат ҳам бор. Ўша даврда биз кўп миллатли мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий шароитнинг мураккаблигини тўлалигича тасаввур эта олмасдик. Алоҳида республикаларнинг эмас, балки умуман олганда бутун мамлакат танг ҳолатга кириб қолганлиги равшанлашиб қолди. Бундай вазият 30-йиллардан бошланган бўлиб, турғунлик даврида анчагина қўпол кўриниш касб этди. Социалистик тараққиёт йўли бузилганлиги, ғирик сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва мафкуравий вазифаларни ҳал этишга субъектив ёндашувнинг устунлиги, ижтимоий тараққиётни илмий планлаштириш принципларидан ташлаб қўйилганлиги, моддий-маънавий рағбатлантириш иккор этилганлиги, одамларнинг шахсий қобилиятлари ва манфаатлари жиловлаб турилгани, кўпчиликда ён-атрофда рўй бераётган воқеаларга нисбатан бефарқлик ҳукм сурганлиги, оммानинг ижтимоий фаолсизлиги кучайгани ва ҳоказолар ана шундай салбий ҳолатларнинг энг асосий сабаблари ҳисобланади.

Ўтмишдаги салбий ҳолатларнинг кўринишлари ва илдизларини энг аввало Узбекистонда кенг кўламда ўрганишга киришилди, бундан чиқарилган хулосалар эса кўп ҳолларда ўта бир ёқлама шаклда эди, қатор йиллар мобайнида Узбекистон турғунлик даврининг иллатлари титкиланган бирдан-бир лаборатория бўлиб келди. Бинобарин, бундай салбий ҳодисалар регионал маъно касб этди. Масалан, Узбекистонда уларга қарши кураш баъзан миллатга қарши фикр уйғотиш шаклида олиб борилди. Совет ва жаҳон матбуотида «ўзбек мафияси», «ўзбеклар иши» сингари қақоратомуз атамалар пайдо бўлди. Баъзилар Урта Осиё халқларида порахўрлик ут эмас, ҳатто ўзига хос анъанага айланган, дея таққирлашларгача бориб етишди. Шуниси қизиқки, ўтмишда, ҳатто энг қаҳатчилик йилларида бу регион одамлари ўғирлик, фоҳишабозлик, порахўрлик нималигини билишмаган. Турғунлик даврида аввалги раҳбарият томонидан таланган, қақоратланган халқ эндиликда қонунсизлик, ўзбошимчалик, волюнтаризмдан жабрлана бошлади, ҳеч асоссиз туҳмат, бўҳтон ва хўрлашларга дучор қилинди. Турғунлик йилларида ҳаётимизнинг кўпгина соҳаларида бузилишлар рўй бериши натижасида Узбекистон иқтисодий, ижтимоий ва экологик жиҳатдан энг оғир аҳволда қолганлигини кўпчилик билмасди, ҳозир ҳам билмайди. Жуда қўлай иқлим шарт-шароитига, ғоят катта иқтисодий имкониятлар ва ресурсларга эга бўлган республика мамлакат бўйича олганда энг кам умр кўриладиган, болалар ўлими юқори, аҳоли турмуш даражаси эса энг паст ўлка ҳисобланади. Республика аҳолисининг 48 фоиздан ортиқроғи, айниқса қишлоқда яшовчиларнинг турмуш даражаси мамлакатдаги ўртача турмуш даражасидан анча орқада. Бола туғадиган ёшдаги аёлларнинг қариб 70 фоизи камқонлик касалига мубтало. Бу, узоқни кўра олмайдиган баъзи социологлар жар солишаётганидек кўп бола туғиш оқибати эмас, балки турмуш даражаси пастлиги, яъни далада оғир иш бажариш, бола боқиш учун етарли даражада овқатланмасликдандир. Ана шу бутун кампания республика қарамлик кайфиятида ривожланиб келганлиги, гўё у иттифоқ хазинасидан олаётган миллиард сўмлаб қарзлар ҳақидаги ҳеч асоссиз далиллар ёрдамида олиб борилди. Ҳа, Узбекистон асосан хом ашё етказиб берувчи ўлка ҳисобланади, шунинг учун ҳам ўзининг миллий даромади ҳажмини аниқлаб чиқиш имкониятидан маҳрум. Олинаётган даромадлар оз эмас, аммо улар мамлакатнинг бошқа районларида ҳосил бўлаяпти ва қолиб кетаяпти.

Марказий матбуот, республикамизга ёрдам кўрсатиш учун юборилган баъзи раҳбарлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ўтмишнинг салбий ҳолатларига миллий ва регионал маъно беришдан иборат асоссиз фикр-мулоҳазаларни авж олдиришда айниқса жонбозлик кўрсатдилар. Улардан айримлари маҳаллий шароит, халқнинг анъаналари ва турмуш тарзини билмаганлари ҳолда тартиб ўрнатмоқчи бўлдилар, ўзбошимчалик ва қонунсизликка йўл қўйдилар, маҳаллий кадрларга нисбатан кўзда тутилмаган қатағонликни қўлладилар. Республикага келган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари бу соҳада айниқса ажралиб туришди. Уларнинг таркиби ихтиёрий хоҳиш-иродага қараб белгиланди. Шуниси ҳам маълумки, яхши одамларни ҳеч ким ўзидан узоқлаштирмайди, бундайлар ҳамма ерда керак. Шу сабабдан республикамизга касб-кор жиҳатидан анча бўш, илғариги иш жойларида ўзларининг ижобий фазилатларини намоён этмаган бирталай ходимлар келиб қолишди, баъзилари анча кексайиб қолган эдилар. Кўпчилиғига навбатдан ташқари шинам квартиралар, дала ҳовлилари берилди, юқори офицерлик унвонларига, илмий даражаларга эга бўлиб олдилар. Улар ўзларини республикага чекланмаган ваколатлар билан юборилган деб ҳисоблашар, шунинг учун ҳам мен ҳамма номаъқулчиликни қилишим мумкин, асло жазолашмайди, деган кайфиятда иш кўра бошлашди. Республиканинг турғунлик йилларидаги гуноҳларда кўли булғаниб қолган аввалги раҳбарияти халқнинг қадр-қимматини ҳимоя қилишни хаёлига ҳам келтирмади, фақат ўзини ўйлади.

Узбекистонда ўтмишнинг салбий ҳолатларини кенг ўрганиш 1984 йилдаёқ бошлаб юборилган эди. Виждонан эътироф этиш керак: тергов натижасида юқори мартабали порахўрларнинг кўпчилиги фош этилди, ҳаққоний равишда жазоланди. Бироқ салбий ҳолатларга қарши бундай кураш кейинчалик оммавий қатағонлик шаклини касб эта борди. Неча ўн минглаб кишилар тергов изоляторларида сақлаб турилди. Атайлаб ўйлаб топилган кўпдан-кўп жиноий ишлар кўзғатилди. Баъзи терговчилар далилларни сохталаштириб, ҳамма ерда ва ҳамма нарсада айбдорлар ва бегуноҳларга нисбатан фақат айблаш йўлини тутдилар, оммавий миқёсларда жисмоний зўравонлик, руҳий таъсир кўрсатиш, мажбурлаб бўйинга қўйиш ва эътироф этиш устунлик қила бошлади. Ҳатто ҳибсга олинганларнинг қўшниларини ҳам изоляторларга ташладилар, уларни жисмонан ва руҳан ҳолдан тойдирдилар, қалбаки гувоҳликлар беришга ундадилар. Мен оқланиб чиққанларнинг кўпчилиги, уларнинг қариндош-уруғлари билан шахсан гаплашганман. Уларнинг ҳикояларини эшитарканман, ҳайратомуз бир ўхшашлик кўзга яққол ташланди: тергов изоляторларида улар махсус «ишлов»дан ўтганларидан кейин олдиндан тайёрлаб қўйилган рўйхатлар кўрсатилиб, уларга нисбатан гувоҳлик бериш талаб қилинар экан, қатағонликнинг усул ва шаклари, эркаклик ор-номуси топталган, улар ўз шаънларини сақлаб қолиш учун бўйтонлар қилиш, йўқ айбни бўйнига олишга мажбур бўлишган. Менда шундай ҳужжатлар борки, уларда Узбекистон ССР ички ишлар министрининг собиқ биринчи ўринбосари Э. Дидоренко рухсати билан қамоқда ушлаб турилган Рўзиев ёнига саккиз мартагача судланган ашаддий қотиллар, талончилар киритилгани маълум. Айби ҳали исботланмасдан туриб тергов изоляторларида жон берган ёки ўзини ўзи ўлдирган одамлар ҳам оз эмас. Ҳанузга қадар тушуна олмайман: Қашқадарё область партия комитетининг собиқ биринчи секретари ўз жонига қасд қилганми ёки бошқалар қўли билан ўлдирилганми? У ўз танасига ўндан ортиқ пичоқ санчган. Врачларнинг айтишларича, шу тариқа ўзини ўзи ўлдириш умуман мумкин эмас экан. 1985 йил октябрида Тошкент шаҳрининг Чилонзор район ички ишлар бўлими тергов изоляторида маҳбуслардан Еремеев ва Шойтоев сирли қолатларда жон беришди. Улар қонунга зид равишда битта аватхада ашаддий жиноятчилар билан бирга сақланганлар. Кишини ҳайратга соладиган томони шундаки, ўша каллакесарларни яхшилаб боқишган, милиция кийимида тунда шаҳар айланган чиқаришган. Шаҳарда эса улар яна босқинчилик ва талончилик содир этишган, эрталабга яқин аватхага қайтишган. Собиқ маҳбуслар садизм билан шуғулланган терговчи Карташяннинг шафқатсизликлари ҳақида қон-қақшаб ёзишган.

Ўзимизнинг сурбет иғвогарларимиз ҳам мухолифларидан ўч олиш, орани очиқ қилиш учун қатағонликнинг лойқа тўлқинидан фойдаланиб қолишди. Бегуноҳ жабр тортган кўплаб одамлар умрига зомин бўлишди.

СССР Прокуратураси маълумотларидан кўринадики, СССР Прокуратураси терговчилари ҳибсга олинган одамларнинг мулкини мусодара этиш чоғида ҳам қонунчиликни бузганлар, тортиб олинган пул ва бойликлар ҳисоблаб чиқилмаган, қопларга солиб бир неча кун мобайнида кўтариб юрилган, шундан сўнггина мусодара этилган. Бошқача айтганда, ўғрини қароқчи урган.

Қонунга зид равишда кўп йиллар мобайнида одамлар тергов изоляторларида ушлаб турилган. Самарқанд шаҳрининг бош прокурори А. Алибоев суд қилинмасдан турмада беш йилдан ортиқроқ ўтирган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Жаҳондаги бирон-бир ривожланган мамлакатда шу қадар ўзбошимчалик ва қонунсизликка йўл қўйилмайди. Тергов изоляторларида йиллар мобайнида бегуноҳ ўтирган, меҳнат-ахлоқ тузатиш лагерларида жазо муддатини ўтаётган кишилар, уларнинг қариндош-уруғлари ва яқинлари КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва бошқа ташкилотларга минг-минглаб хат йўлладилар. Узбекистон матбуоти, жумладан, «Правда Востока», «Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда» ва «Ёш ленинчи» газеталари терговчилардан Гдлян билан Иванов, республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг собиқ раҳбарлари Гайданов, Дидоренко, Лаптев ҳамда бошқалар томонидан йўл қўйилаётган ўзбошимчалик ва қонунсизликни етарли далиллар асосида фош этиб берган ўткир мақолаларни бир неча бор босиб чиқаришди. Бироқ бундай номаъқулчиликларнинг олдини олиш йўлида бирон-бир тайинли иш қилинмади. Аксинча, ҳамма шикоятлар терговчилар қўлига келиб тушаверди, бу эса уларда ўзларининг жазосиз қолишларига ишончни мустаҳкамлади, янги «жасорат»ларга руҳлантирди.

СССР халқ депутатлари биринчи съезди номига юборилган баъзи шикоят-хатлар ҳам терговчиларнинг қўлларига келиб тушди. Бундай қаттиқ ҳомийликдан кўзда тутилган мақсад менга қоронғи.

Назаримда, «Судья фақат қонунга бўйсунади» деган инсонпарвар шиоримиз ҳамон бир томонлама дастак қилинаётганга ўхшайди. Кўпинча улар дастлабки тергов материалларини мутлақ ҳақиқат деб билишаяпти, тергов учун зарур кўрсатма ва эътироф этишларга эга бўлинган ҳолатлар ҳисобига олинмаяпти. Ўттизинчи ва эллигинчи йиллардаги асоссиз қатағонларнинг бош сабабларидан бири ҳам ана шунда эди. Бундай ғайриинсоний қилмишлар ва ўзбошимчаликлар моҳиятини тушунишда биз ҳамон сеҳрланган ҳолатда турибмиз.

Ҳа, биз ёвузликни кечикиб қоралашга одатланиб қолганмиз ҳамда бу зararли анъанадан ҳеч қутула олмаяпмиз. Бироқ шунга ишончим комил ва шубҳам йўқки, саксонинчи йилларнинг иккинчи ярмида Узбекистонда йўл қўйилган ўзбошимчалик ва қонунсизликни холисона баҳолашимиз учун имкон бериладиган давр ҳали келади.

Ҳатларнинг муаллифлари СССР Олий Советидан 1984—1989 йилларда Узбекистонда содир этилган ўзбошимчалик ва қонунбузишларни текшириш учун махсус комиссия тузишни талаб қилмоқдалар. Афсуски, биз жиноят билан баробар бундай суиистеъмолликларга йўл қўйган ҳуқуқ муҳофазаси органлари ходимларини ҳамон жазосиз қолдириб келяпмиз. Натижада улар менга ҳар нарса қилиш мумкин, деган хаёлда ўзларини янада кучлироқ ҳис этмоқдалар. Масалан, Тошкент шаҳар судининг 1988 йил 18 майдаги қарори билан терговчилардан А. П. Клеблеев, Г. Астафьева, К. Соловьев ва бошқаларни жазолаш ҳақида хусусий ажрим чиқарилган эди. Суднинг бу ҳаққоний талаби ҳанузгача бажарилгани йўқ. Уларни ана шундай жиноят йўлига киришга мажбур этган мартабали ишбошилар ҳамон юқори мансабларда ўтиришгани учун ҳам бунинг иложи бўлмаяпти.

Меҳнаткашлар ўз хатларида мамлакатимизда ҳуқуқий давлат барпо этиш имконияти ҳақидаги саволга жавоб беришимни сўрашган. Тарихий шарт-шароит, тажрибани, қатто қайта қуриш даврида ҳам суиистеъмолликлар ва қонунбузиш ҳоллари рўй бераётганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу саволга ижобий жавоб қайтариш қийин.

Узбекистон ССР Фанлар Академиясининг илмий ходими Ғ. С. Шомирзаев ўз хатида республикамизда кейинги йилларда кенг тарқалган хотин-қизларнинг ўзига ўзи ўт қўйишининг олдини олиш ниҳоятда зарур бўлиб турганлиги ҳақида ёзади. 1986—1988 йилларда 515, 1989 йилнинг беш ойи ичида 91 нафар аёл ўзини ёқиб юборди. Булар ҳали ҳаммаси эмас. Ўзини ёққан аёллар ўзини ўзи ўлдирган хотин-қизларнинг ҳатто ярмини ҳам ташкил этмайди. Бу шундай аламли ҳодисадирки, унинг сабаблари ҳақида жиддийроқ ўйлашимиз зарур. Баъзи ўртоқлар ана шу фожиани аёллар ўртасида диндорликнинг ўсиши билан боғлашмоқда. Бундай хулосага мен қўшила олмайман, чунки ислом ўзини ўзи ёқишнигина эмас, балки ўзини ўзи ўлдиришнинг ҳар қандай кўринишларини қоралайди. Ўз жонига қасд қилганлар диний дафн маросими ўтказишга нолойиқдирлар, деб ҳисобланади. Менинг назаримда, бу фожианинг маънавий-ахлоқий ва ижтимоий-иқтисодий илдизлари бор. Республикамизда эрнинг оиладаги яккаҳокимлиги ҳамон сақланиб қолган, қизлик ор-номуси ҳақидаги тушунча, қайнота ва қайнонанинг келинга нисбатан қўпол муомаласи барҳам топмаган. Кейинги йилларда қизларни катта зеб-зийнат билан, ҳатто мебель қўша-қўша гиламлар, баъзан эса машина ва бошқа қимматбаҳо буюмлар билан турмушга чиқариш сингари зararли одат русум бўлди. Ҳамма оилалар ҳам дабдабали тўйлар қилиш, келин куёвларни мол-мулкка буркаш имконига эга эмасдирлар, албатта. Худди мана шу сабабга кўра кўпинча бемаъни мусобақа бошланади, қўшнилар, таниш-билишлар оддида ўзини кўрсатиб қўйиш, ғаразгўйлик, камситиш авж олади. Баъзи эрлар, уларнинг ота-оналари келинни хўрлай бошлайдилар, олиб келган мол-дунёси ҳеч нарсага арзимаслигини юзига соладилар. Шунинг натижасида аёлнинг асаблари қақшаб, саломатлиги ёмонлашади, оқибати баъзан фожиали бўлади. Бунда ўз хотинига итоаткор қул сифатида қарайдиган баъзи эркаклар ҳам айбдордирлар. Инсоний қиёфасини йўқотган, хотинининг қадрини ерга урадиган бойвачча ва зўравон эр уни ана шундай йўлга киришга мажбур қилиб қўяди. Бундай ҳоллар рўй бермаслиги учун биз одамлар турмуши ва онгидаги зararли сарқитларга қарши, оилани мустаҳкамлашга ёрдам бермайдиган, аксинча, бузишга олиб келадиган расм-русумларга қарши қатъий кураш олиб боришимиз лозим. Яна бир жуда муҳим ҳолатни назардан қочирмаслигимиз керак — у ҳам бўлса оиланинг, айниқса қишлоқ жойлардаги хонадонларнинг ижтимоий-иқтисодий шароитидир. Хотин-қизларни озодликка чиқариш жараёнида биз улар учун меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминладик. Кўпчилик аёллар колхоз ва совхозларнинг далаларида, саноат корхоналарида, ҳуқуқ юртларида фаоллик кўрсатиб ишлаяпти. Аммо қишлоқ хотин-қизларининг аҳволи яхшиланмай қолди. Колхоз даласидаги тинка қуритадиган оғир меҳнат асосан улар зиммасига тушмоқда, дам олиш кунлари йўқ, бунинг устига бола туғиш ва боқиш, уйга, мол-ҳолга қараш керак ва ҳоказо. Шу аснода кетаверсак, аёллар аҳволини яхшиламаймиз, аксинча, тобора ёмонлаштирамиз. Қишлоқ аҳолисига ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш ҳозирги давр талабларидан ниҳоятда орқада. Иш қақининг жуда камлиги, турмуш даражасининг пастлиги хотин-қизлар касаллини кўпайишига сабаб бўлаяпти. Шундай экан, биз фақат маънавий-ахлоқий масалаларнигина эмас, балки ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳам ҳал этишимиз, аёллар дам олишлари, ўзларига қарашлари, маданий талаб-эҳтиёжларини қондиришлари учун имкон яратиб беришимиз зарур. Бусиз яқин орада ўзини ўзи ёқиб юбориш сингари шармандали ҳодисага барҳам беришимиз жуда қийин.

Хатларда республикадаги мураккаб экологик муаммолар кўп тилга олинмоқда. Жумладан, иқтисод фанлари номзоди А. Ю. Агабеков мендан атроф муҳитини яхшилашга фаол аралашувимни сўраган. Хусусан, Орол денгизи сатҳини барқарорлаштириш ҳақидаги масалани ҳал этишни жадаллаштиришга кўмаклашувимни илтимос қилган.

Оролбўйи минтақасида вужудга келган экологик вазият муносабати билан меҳнаткашлар қаттиқ ташвиш тортишаётганини тўлиқ ҳис этаяпман, албатта. Чунки бу регионда 3 миллиондан ортиқ киши яшайди. Ҳозирги пайтда Оролни аввалги қирғоқ маррасига қайтариш ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки денгизга шунча сув қуйишнинг иложи йўқ. Бугун гап 1990 йил маррасида сақлаб туриш ҳақида бўлиши мумкин, холос. Бунинг учун йилига камида 30—35 куб километр сув керак бўлади. Совет ҳукумати Орол денгизи ва Оролбўйи муаммоларини тезроқ ҳал этиш учун катта ёрдам кўрсатмоқда. Коллектор-дренаж сувларини денгизга оқизиш мақсадида сўл ва ўнг соҳил коллекторлари қўриляапти. Сер-сув келган бўғноғи йили Оролга 13—15 куб километр оби ҳаёт қуйилди. Бултур эса сув ниҳоятда камчиллиги туфайли денгизга чучук сув деярли тушмади. Урта Осиё республикалари ва Қозоғистонда суғориладиган сувни тежаб ишлатиш, коллектор- дренаж, ирригация тармоқларини таъмирлаш, пахта, шоли экиладиган майдонларни қисқартириш юзасидан катта чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ана шу қилинаётган ишлар муайян самаралар беради, албатта, аммо бу йўл билан тежалган сув Орол денгизини ҳозирги даражада сақлаб туриш учун камлик қилади.

Сибирь дарёлари оқимининг бир қисмини Урта Осиёга буриб юбориш Орол муаммоларини ҳал этишнинг муҳим шартларидан биридир. Олиб келинадиган ўша сув денгизни тўлдириш учун сарфланмайди, албатта. У асосан қишлоқ хўжалиги ва саноатни ривожлантиришга ишлатилади. Айнан шундай тадбир бизга Оролни сақлаб қолишга имкон беради.

Мамлакатимизда Сибирь сувлари оқимининг бир қисмини Урта Осиёга буриб юбориш муҳолифлари кўп. Аммо бу ерга Об дарёси йиллик оқимининг атиги 6 фоизигина йўналтирилиши, бу ҳол ҳеч қандай экологик оқибатларга олиб келмаслигини эътироф этиш учун улардан ҳеч ким ўзида жасорат толмади. Шуни айтиш кифояки, Сибирь дарёлари оқимининг бир қисми Урта Осиёга бурилиши мамлакат Озиқ-овқат программасини муваффақиятли ҳал этишга катта ёрдам берган бўлур эди. Оролга пул эмас, сув керак, бу ҳақда бош қотиришга мажбурмиз. Ҳар қандай қолатда ҳам Урта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг ички сув ресурслари ҳисобига Орол ҳамда Оролбўйи муаммоларини ҳал қилиб бўлмайди.

Урта Осиёни ичимли сув билан таъминлаш масаласи катта ташвиш туғдирмоқда. Бу соҳадаги дастлабки қийинчиликлар кўриниб қолди. Қорақалпоғистон АССР, Узбекистон ССРнинг Хоразм, Туркманистон ССРнинг ва Қозоғистон ССРнинг Қизил Урда областлари ичимли чучук сув ресурсларига деярли эга эмас. Узбекистоннинг Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд областлари кўпчилик районларида ҳам бундай сув етишмаяпти. Сирдарё ва Амударё сувларининг кучли даражада минераллашиб кетганлиги учун ҳам амалда истеъмол қилишга яроқсиз бўлиб қолди. Саноат қурилиши ўйламай-нетмай олиб борилганлиги, қишлоқ хўжалигида заҳарли дорилар кучли даражада қўлланилганлиги натижасида ер остидаги чучук сув манбаларидан ҳам фойдаланиб бўлмаяпти. Фарғона областининг кўпгина районларида нефть қўшилиб кетгани учун ҳам қудуқларга гугурт чақиб ташлаш хатарлидир. Я

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советларга сайлов олдидан

ЭЪТИҚОДГА ҒУБОР ҚЎНМАСИН

Ҳақиқат осонликча қўлга киритилмайди. Аммо оддий, барчага аён, қонун асосида амалга оширилган ишни охирига етказолмай идорамаидора сарсон бўлиб юриш ҳар қандай одамнинг ҳам изза-нафсига тегади. Бешкент шаҳридаги Пушкин маҳалласи аҳли Охунбобоев номли 47-ўрта мактаб тарих фани ўқитувчиси Турсун Чориев номзодини 215-сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига кўрсатишга қарор қилишганидан бери шу қадар кўп тўсиқларга дуч келишларини ўйлашмаганди. Сабаби: Турсун Чориевни маҳаллада кайтаю кичик жуда яхши танийди. Оддий ишчи оиласида туғилиб ўсган, Қарши давлат педагогика институтини битиргач, ўрта мактабда ўқитувчилик қила бошлади. Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти аспирантурасига сиртдан ўқишга кирди. Мактаб, жамоат ишларидаги актив фаолияти учун ўтган йили ёш ўқитувчини КПСС аъзолигига кандидатликка қабул этишди. Турсун маҳалладошлари ўртасида ҳам катта обрў-эътиборга эга. Ўйланган. Битта фарзанди бор.

Депутатликка номзоднинг қисқача таржимаи ҳоли шундай. Энди муддаога ўта қолайлик.

Пушкин маҳалласида ташкил топган ташаббускор группа (124 аъзоси бор) Бешкент шаҳар ижроия комитетига мурожаат этиб, ўтган йилнинг 3 декабрида Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод кўрсатишга бағишланган йиғилишга рухсат сўрайди. Ижобий жавоб олгач, Қарши район ижроия комитети раҳбарларига ҳам учрашади. У ердагилар ҳам пушкинликлар раъйини қайтаришмайди. Хуллас, 3 декабрь куни номзод кўрсатишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтади. Бунда 309 сайловчи, шунингдек, шаҳар ижроия комитети раиси Рўзибой Тўраев, 215-Бешкент сайлов округи сайлов комиссияси раиси Эрмат Узоқов, комиссия аъзоси Фахриддин Низомов, район партия комитетининг инструктори Илҳом Исломов иштирок этадилар. Йиғилиш протоколи шу куниёқ округ сайлов комиссияси раисига топширилади.

Маҳалла аҳли ўз номзодини республика олий органига расман кўрсата олганидан хурсанд. Ниҳоят, йиллар давомида йўлига сайлов ўтказиб, кимни сайлаётганидан қатъий назар, қутига қоғоз ташлаб келишга одатланган халқ қайта қуриш туфайли ўз одами учун овоз бериш имкониятига эга бўлганидан мамнун.

Аммо сайловчилар қувончи узоққа чўзилмади. Орадан роса сакиз кун ўтгач, яъни 11 декабрь куни ташаббускор группа 215-Бешкент сайлов округи сайлов комиссияси раиси имзо чеккан қуйидаги номани олади.

БИЛДИРИШ

Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод кўрсатиш бўйича 1989 йил 3 декабрь куни ўтказилган йиғилиш протоколини тегишли шаҳар, район ижроия комитетининг йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги қарори бўлмаганлиги учун қабул қила олмайман.

Имзо.

Жуда тўғри. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови ҳақидаги қонунда белгилаб қўйилганидек, бундай йиғилишни ўтказиш учун аввало тегишли шаҳар ёки район ижроия комитетининг рухсати зарур. Лекин, шуниси қизиққи, ўша кунги йиғинда иштирок этган мутасадди ўртоқлар негадир бу ҳақда ҳеч кимга лом-мим демадилар. Ташаббускор группа аъзолари ва шахсан номзоди кўрсатилаётган Турсун Чориев эса шаҳар ҳамда район раҳбарларининг оғзаки розиликларини олдик, деб йиғилишини ўтказаверишган.

Бундай сайлов республикамизда биринчи маротаба ўтказилаяпти. Тушунмовчиликлар, камчиликлар бўлиши табиий. Бировлар тушунмасдан хатоликка йўл қўядилар. Баъзилар эса қонун бузилаётганини кўра била туриб, индамайдилар. Йиғилишда иштирок этган сайлов комиссияси раиси одамлар беҳуда овора бўлаётганларини беш қўлдай билиб тургани аниқ. Нега индамаганлиги эса унинг виждонига ҳавола. У одамларни қоида бузилаётлигидан воқиф этмаганидан ташқари ўша кунги депутатликка номзод кўрсатилганлиги тўғрисидаги протокол қабул қилинмаганлигини қонунда белгиланган муддатдан роса 5 кун кейин билдирди. Сайловлар тўғрисидаги қонун бўйича: **«Қабул этилган қарор ҳақида депутатликка номзодга икки кунлик муддатдан кечиктирмай маълум қилинади».**

Т. Чорнев сўзидан: Воқеадан хабардор бўлгач, шошиб қолдик. Райижроком раисига учрасак, насиҳатдан нарига ўтмади. Район партия комитетининг биринчи секретари эса ҳатто қабул қилишни ҳам истамади.

Ташаббускор группа вакиллари Тошкентга, марказий сайлов комиссиясига мурожаат этишди. Пойтахтдан вакил боргач, Қарши район ижроия комитети 15 декабрь санаси билан № 367/12 сонли қарор қабул қилди. Унда Бешкент шаҳар Пушкин маҳалласи ташаббускор жамоат органи мурожаати қондирилиб, 17 декабрь (номзод кўрсатишнинг охирги куни), соат 14 да С. Раҳимов номли кинотеатрда номзод кўрсатишга бағишланган йиғилишга рухсат этилганлиги билдирилади.

Хуллас, бу сафар йиғилиш рисоладагидек ўтди. Унда 300 дан зиёд сайловчи қатнашди. Фақат Турсун Чориевни эмас, балки «Ўзсантехгазмонтаж» трестига қарашли механизациялашган кўчма колонна бошлиғи Озод Саидов, область халқ контроли комитети бўлим мудири Рустам Хидиров номзодлари ҳам овозга қўйилди. О. Саидов 9 та, Р. Хидиров 37 та овоз олишди. 260 нафар сайловчи қўллаб-қувватлаган Турсун Чориев номзоди Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига муносиб деб топилди. (Ушбулар йиғилиш протоколида қайд этилган).

Йиғилишга тегишли сайлов округи комиссиясининг секретари, «Аврора» совхози партия ташкилотининг котибаси Ж. Шарипова раислик қилди. Райижроком раиси ўринбосари, округ сайлов комиссияси раиси ҳамда аъзолари иштирокида ўтказилган йиғилишдан сўнг Пушкин маҳалласи аҳли яна бир бор эркин нафас олди. Ниҳоят, демократия тантана қилди, халқ орзуси рўёбга чиқди.

Қанийди, шундай бўлса. 1989 йил 20 декабрь куни Қашқадарё область ижроия комитети № 268/16 рақамли қарор чиқарди. Ушбу ҳужжат Қарши район ижроия комитетининг № 367/17 рақамли қарорини Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови ҳақидаги Қонуннинг 31-моддасига мувофиқ эмас, деб топиб, бекор қилган. Демак, яна ҳаммаси чиппакка чиқди. Барча ҳайрон. Наҳотки райижрокомдаги ўртоқлар қонунни билишмаса?

Э. Узоқов, 215-Бешкент округ сайлов комиссияси ранси, Қарши район комсомол комитетининг иккинчи секретари:

— Биз йиғилишни қонунга мувофиқ ўтказдик. Область ижроия комитети район қарорини бекор қилар экан, қўлимиздан нима ҳам келарди.

М. Латипов, Қарши район ижроия комитетининг секретари:

— Райижроком қарори қонунга тўла мос келади. Мен унга имзо чекканман. Тўғрилигига жавоб бераман.

Раҳмат Жалилов, халқ депутатлари Қарши район Совети ижроия комитетининг раиси:

— Қарор қабул қилишда бироз шошишган. Афсуски, мен Тошкентда эдим. Бир кун сабр қилишганида етиб келардим. Ўзи шу Чориев деган ўқитувчига ҳайронман. Нима қилади депутатликка ишқивоз бўлиб...

Мухбир: — Ҳа, раиснинг хотиржам гапиришида ҳам жон бор. Ижроком аъзолари у кишини яна бир кун кутганларида номзод кўрсатиш муддати ўтарди. Шунчалик оворагарчилик, ғалва ўз-ўзидан барҳам топарди.

Наримон Ҳожиқулов, халқ депутатлари Қашқадарё область Совети ижроия комитети ташкилий-инструкторлик бўлими мудири:

— Райижроком қарор қабул қилишда иккита хатога йўл қўйган. Биринчидан, йиғилишда ижроком аъзолари ва округ сайлов комиссиясининг барча аъзолари иштирок этишмаган. Иккинчидан, маҳалла комитетининг ташаббускор группа ҳаракатини тасдиқловчи ҳужжати йўқ.

Биз мазкур қонуннинг ижроком асос қилиб олган 31-моддасини сўзма-сўз ўқиб чиқдик. Афсуски, унда ижроком ҳамда сайловком аъзолари тўлиқ йиғилгандагина қарор қабул қилинади, дейилган жойи йўқ. Шунга ҳам қаноат қилмай якинда «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган О. Олимжонов ва М. Тешабоевнинг «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловларига тайёргарлик ва уларни ўтказиш тартиби» номли қўлланмасини ҳам синчиклаб кўздан кечирдик. Бу ерда ҳам оближроком қарорини тасдиқловчи жумлани топа олмадик.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига сайлов ўтказувчи район сайлов округи комиссияси ранси, Қарши район ижроия комитетининг аъзоси Азим Ҳуррамов бу ҳақида шундай деди:

— Ўша йиғилишда шахсан ўзим иштирок этганман. 11 та ижроком аъзосидан 7 киши қатнашди. Округ сайлов комиссиясининг раиси ҳам бор эди. Менимча ижроком ҳамда окружкомнинг барча аъзолари иштирок этиши тўғрисида қонунда ҳеч гап айтилмаган. Шундай бўлишини мантиқ қа тўғри келмайдиган иш деб ҳисоблайман. Чунки ҳамма йиғилишларда барча аъзолар иштирокини таъминлаш қийин. Айниқса округ сайлов комиссияси аъзоларини. Ахир, улар меҳнат коллективларидан кўрсатилган, турли жойларда ишлайдиган одамлар. Бунинг устига биров бетоб бўлиши мумкин, биров командировкада дегандай. Маҳалла комитетидан эса тегишли қарор бор эди. Буни областдан келган ўртоқлар кўрмай қолган бўлишлари мумкин...

Хуллас, Бешкентда шунақа гаплар. Ким билан суҳбатлашманг, саволингизга савол билан жавоб қайтаради. Кимга ишониш керак? Наҳотки, турғунлик йилларидаги каби халқ хоҳиш-иродасини тўсувчи ғовлар ҳамон қайта қуришимизга тўғаноқ бўлаяпти?

СССР халқ депутатларининг II съездида мамлакат олий органига сайловлар чоғида ҳам шу ва шу сингари сунъий тўсиқлар учрагани туфайли турли норозиликлар келиб чиққанлиги очиқ-ойдин айтилди. Ҳатто «Сайлов системаси масалалари юзасидан СССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» махсус қонун ҳам қабул қилинди. Унинг 2-бандида шундай дейилади: **96-модда қуйидаги мазмундаги олтинчи қисм билан тўлдирилсин:**

«СССР гражданларининг сайлов ҳуқуқларини қандай бўлмасин бевосита ёки билвосита чеклашга йўл қўйиб бўлмайди ва бу нарса қонун асосида жазоланади».

Қонунларда айб йўқ. Улар ҳамиша халқ учун хизмат қилади. Аммо баъзида ана шу муқаддас ҳужжатларни четлаб ўтиш қоллари учраб туриши сир эмас. Хатога йўл қўйганлар тегишли жазоларини олишади. Лекин қайта қуриш, ошкоралик замонасига, партиямиз бугунги сиёсатига эътиқод қўя бошлаган халқ ишончи, умидини сўндиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Т. АБДУРАҲМОНОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири.



Хизмат қилган — элда азиз, дейдилар. Сирдарё область Бахмал районидаги «Рассвет» совхози сут-товар фермасининг ижарачилар бригадаси бошлиғи, область Советининг депутати Шойзоқ Абдуллаев ҳамқишлоқлари наказини ўз вақтида адо этиб, ҳурмат-эътибор топди. Шу боис 93-Рассвет сайлов округидан область Совети депутатлигига яна бир овоздан Шойзоқ Абдуллаев номзоди кўрсатилди.

СУРАТДА: Ш. Абдуллаев (чапдан иккинчи) ҳамкасблари Зарифа Жўраева, Шоира Дўлбоева ва Фахриддин Муҳаммадиев билан суҳбатлашмоқда.

У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

✦

Ғалаба районидаги Калинин номли совхозда омилкор деҳқонлар кўп. Шодичилик бригадаси бошлиғи Озод Акбаров — ана шулардан бири. У бошлиқ коллектив меҳнаткашлари 94 гектар майдоннинг ҳар гектаридан режадаги 46 центнер ўрнига 70,5 центнердан ҳосил олдилар.

СУРАТДА: коммунист етакчи О. Акбаров ва унинг умр йўлдоши Гулсуной.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

СССР Министрлар Советида

СССР Министрлар Совети 1990 йил 10 январдан зарғарлик буюмлари ва қимматбаҳо металлар қўлланиб тайёрланган буюмларнинг чакана нархлари даражасини ўрта ҳисобда 50 фоиз ошириш тўғрисида қарор қабул қилди. Аҳолидан сотиб олинадиган қимматбаҳо металлар нархи ҳам шундай даражада оширилади.

Олинган қўшимча даромадлар 1990 йилга белгиланган социал программаларни пул билан таъминлашга сарфланади.

ХУШХАБАРЛАР

Сирдарё областининг тоғ этагида жойлашган «Фориш» совхози бугдойзорларига яшил гилам тўшалгандек бўлиб қолди. Яхши ишлов берилган ерга экилган уруғлик бир текис униб чиқди. Шунга қарамай, фермерлик деҳқонлар ҳозир дам олиш кунларисиз ишлашмоқда.

* * *

Андижон область Фрунзе номли совхоз меҳнаткашлари юқори сифатли уруғлик етказиб берганлари учун Татаристондан ташаккурнома олдилар. Ўтган мавсумда бу ерда пиёз, сабзи, турп, лавлаги уруғлигидан мўл ҳосил етиштиришди. Деҳқонлар пландан ташқари бутун маҳсулотни мамлакатнинг бошқа регионларига жўнатдилар. Уни сотишдан тушган маблағ янги турар-жой посёлкаси, маданият саройи ва соғломлаштириш комплексини қуришга сарфланади.

* * *

Хоразм областида пахта толасидан болалар, эркаклар ва аёллар кийими тайёрлайдиган комбинат қурилиши учун қариб 50 миллион сўм ажратилди. Бу қўшма корхонани ташкил этишда Кипр ва Қувайт фирмалари қатнашаяпти. Маҳаллий қурилиш ташкилотлари комбинатни лойиҳага мувофиқ шу йилнинг ўзидаёқ Гурлан районидаги «Коммунизм» колхозида бунёд этадилар.

Йигириш, тўқиш ва маҳсулотни тикиш учун дастгоҳларни чет эллик шериклар етказиб беришади. Маҳсулот ички ва ташқи бозорларда сотилади. Комбинат қурилиши аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини қисман ҳал этишга, эркин муомалада бўладиган валюта олишга ёрдам беради.

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

8 январь куни Москвада бўлиб ўтган навбатдаги Брифингда журналистлар КПСС Марказий Комитети вакиллари — КПСС Марказий Комитети навбатдан ташқари пленуми қатнашчилари группасининг Литва ССРга қиладиган сафарига зўр қизиқиш билдирдилар, бу пленумнинг иши давом эттирилажаги маълум. СССР Ташқи ишлар министрлиги ахборот бошқармасининг бошлиғи Г. И. Герасимов мухбирларнинг саволларига жавобан бундай деди: КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари Ю. Д. Маслюков, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари Е. П. Велихов, В. В. Григорьев, В. Г. Колесников, В. А. Купцов, Г. А. Ягодин, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат В. В. Никитин, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзоси М. А. Ульянов, СССР халқ депутатлари И. А. Каримов ва Б. И. Олейник Вильнюсга жўнаб кетдилар.

Халқаро сиёсатнинг кундалик воқеалари орасида БХРдаги вазиятга журналистларнинг эътибори жалб этилди. Ўтган йил декабрь ойининг охирларида Болгария Давлат Кенгаши билан Министрлар Кенгаши мамлакатнинг турк тилида сўзлашувчи ва мусулмон аҳолисига нисбатан йўл қўйилган хатоларни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган эдилар. Бу ҳужжатда зўрлик билан «этник жиҳатдан яхлит болгар миллати»ни вужудга келтириш юзасидан аввалги раҳбарият ўтказган кампания қўпол сиёсий хато деб таърифланган эди. БХР Давлат Кенгаши билан Министрлар Кенгашининг қарори жамиятда умуман маъқулланди ва қўллаб-қувватланди. Сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, норасмий ташкилотлар бу қарорга ўзларининг ижобий муносабатларини билдирдилар. Шу билан бирга у болгар аҳолиси бир қисмининг, аввало иккала гуруҳ бирғаликда яшаб турган областлардаги шу аҳолининг салбий муносабатига дуч келди. Биз, деди Г. И. Герасимов, ҳар бир халқнинг ўз йўлини эркин танлаб олиш ҳуқуқини тўла-тўкис ҳурмат қилиб, Болгария янги раҳбариятининг миллий сиёсатдаги бузилишларни тугатиш тўғрисидаги қарорини демократиялаш, социалистик ҳуқуқий давлатни барпо этиш, умумевропа жараёни доирасидаги ахдлашувларга риоя этиш йўлидаги қадам деб биламиз. Барча манфаатдор томонларнинг шу қадар мураккаб муаммони ҳал этишга амалий ёндашуви, зуғм ўтказишдан ёки, айниқса бирон-бир зўравонлик ҳаракатларидан воз кечиш Болгариядаги вазиятни миллий иноқлик вазиятида тезроқ нормалаштиришга ва миллий бирликка эришишга кўмаклашади, деди сўнгра СССР Ташқи ишлар министрлигининг вакили.

9 январь куни Софияда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг 45-сессияси очилиши муносабати билан Г. И. Герасимов бу ҳукумат бошлиқлари иштирокидаги учинчи «қайта қуриш руҳидаги» учрашув эканини уқтириб ўтди. У аввалги қарорлар қониқарсиз бажарилаётганини эслатиб, ҳозирги вақтда аввало Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар доирасидаги кўп томонлама ҳамкорлик воситаларини тезроқ қайта қуриш зарурлигини таъкидлади.

ГФР ташқи ишлар министри Г.-Д. Геншер билан Испания ташқи ишлар министри Ф. Ф. Ордоньес Франция президенти Ф. Миттерандан кейин шу йил Хельсинки-2 умумевропа кенгашини чақириш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлаб чиққанликлари Москвада мамнуният билан қайд этилди, деди сўнгра СССР Ташқи ишлар министрлигининг вакили. Министрларнинг сўзларидан маълум бўлишича, олий даражадаги бундай кенгаш Европада хавфсизликни мустаҳкамлаш, қуролсизланиш ва ҳамкорликни ривожлантириш жараёнини илгари силжитиш учун жуда яхши имконият яратиб беради. М. С. Горбачев Италияга қилган ташрифи вақтида олий даражадаги умумевропа учрашувини ўтказиш ҳақида кўтариб чиққан ғоя тобора кучлироқ қўллаб-қувватланмоқда.

СССР Ташқи ишлар министрлиги вакилининг маълум қилишича, илгари эришилган ахдлашувга мувофиқ январь ойида КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан Япония либерал-демократия партиясининг арбобларидан бири, шу мамлакатнинг собиқ ташқи ишлар министри С. Абэ Совет Иттифоқига келади. Рус православ ва Рим католик черковлари вакиллари ўртасида ўтказилмоқчи бўлган ва бултур ноябрда кечиктирилган учрашув 13 январдан 17 январгача Москвада ўтказилишидан ҳам журналистлар хабардор қилинди.

ХОРИЖДА НИМА ГАП?

КОМПЬЮТЕР БОШҚАРАДИ

ДЕҲЛИ. (ТАСС). Ҳиндистонда ҳазиллашиб «Шайтонлар ўйини» ёки «Буқалар жанги» деб аталадиган бетартиб автотранспорт ҳаракати афтидан тез орада анча яхшиланадиганга ўхшайди. Ҳар қалай, яқин икки йил ичида йўл ҳаракатини компьютерлаштирилган тарзда бошқариш системасининг ишга туширилишидан умид қилаётган Деҳли ҳайдовчилари бунга ишонишаяпти.

Йўл полицияси комиссари К. К. Паулнинг айтишича, компьютер шаҳарнинг энг гавжум марказий қисми бўлган Коннот Плейс районидаги барча светофорлар ишини мутаносиблаштиради. Унинг вазифаси муайян тезликда ҳаракат қилаётган транспорт учун йўл очиб бериш бўлади. Бунинг учун у автотранспорт оқимининг сийрак ёки гавжумлиги, тезлиги хусусида муттасил маълумот олиб туриши керак бўлади. Компьютер бундай маълумотни шу районнинг асосий магистралларига ўрнатилган махсус қурилмалардан «Ўқиб олади».

Система Ҳиндистон ҳукумати учун анча қимматга тушади — унинг баҳоси тахминан 85 миллион рупия атрофида бўлади. Тўғри, бунга системада ишлайдиган ходимларни тайёрлаш ва унга техник хизмат кўрсатишга кетадиган ҳаражатлар ҳам киритилган. Бироқ, «Ҳиндустан таймс» газетасининг таъкидлашича, йўл ҳаракатини бошқаришнинг компьютерлаштирилган системасини жорий этиш шаҳарга жуда катта фойда келтиради. Масалан, пойтахт кўчаларида «тиқин»лар вужудга келмайди, транспорт тўлиб кетган кўчаларда соатлаб туриб қолувчи автомобиллардан фойдаланиш арзонлашади, шунингдек ҳавонинг ифлосланиши камаяди.

АЖОЙИБ ТАБОБАТ

ВЕНА. (ТАСС). Австрия пойтахтида жойлашган университет клиникасида Европада биринчи марта овқатланишнинг хасталиклар билан, чақалоқлар ва бир оз каттароқ ёшдаги болалар ўсиши ва ривожланиши билан ўзаро алоқадорлигини тез аниқлашга мўлжалланган электрон табобат лабораторияси ишга туширилди.

Лаборатория бола организмидаги электромагнит майдони тебранишларини қайд этиб, шу асосда унинг саломатлиги тўғрисида аниқ ва тўла маълумотлар берадиган ускуналар билан жиҳозланган. Бунинг учун бемор чоғроқ вагончани эслатувчи қурилма ичига ечинмасдан кириб, бир неча минут ётиши кифоя.

Лаборатория базасида овқатланиш билан ҳасталиклар ўртасидаги алоқадорлик муаммолар комплекс тадқиқ этилади. Бу тадқиқотларда Австрия шифокорлари билан бирга Италия, Франция, Буюк Британия, ҒФР ва ЧССРдан келган олимлар қатнашадилар.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

СОФИЯ. Пловдивда Болгария демократик партиясининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Қабул қилинган программавий баёнотда вакилатли ва мустақил гражданлардан ҳукумат тузиш, самарасиз давлат бошқарув структурасини қисқартириш, демократик партиянинг музокараларда иштирок этиши тўғрисидаги талаб изҳор қилинган.

Йиғилишда партиянинг устави тасдиқланди. Съезд партиянинг олий органидир. Партия структураси миллий ва область кенгашларини, бошланғич ташкилотларни ҳам ўз ичига олади. Партия раҳбари айни пайтда БХР Министрлар Совети раиси лавозимига номзод бўлади.

✦

БУДАПЕШТ. Венгрия социалистик партияси (ВСП) сайловолди кураши бошланганлигини эълон қилди. Будапештда фаоллар йиғилиши бўлди ва унинг ишида партиянинг область ва шаҳар сайлов органларидан 400 дан ортиқ вакил иштирок этди. ВСП раиси Реже Ньерш, партиянинг парламентдаги фракцияси раҳбари Шаба Хамори ва сайлов кампанияси учун масъул бўлган Имре Пожгаи йиғилиш қатнашчилари ҳузурида сўзга чиқдилар.

Шу йил март ойида Венгрия парламенти депутатлари сайловни ўтказишди.

✦

ЛОНДОН. Колумбия АҚШнинг Кариб денгизидаги ҳарбий машқларида қатнашиш имкониятини истисно этди, деб хабар беради Рейтер ахборот агентлиги Боготадан. Мамлакат президенти Вирхилио Барконнинг баёнотида айтилишича, Колумбия ҳукумати АҚШ флоти билан биргаликда халқаро сувларда ўтказиладиган машқларда қатнашмаган ва қатнашмайди. Колумбия ҳукумати мамлакатнинг территориал сувларида машқлар ўтказилишига ҳам йўл қўймаган ва бунга имкон бермайди, дейилади баёнотда. Президентнинг ушбу баёноти ўтган ҳафтада АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг иккита жанговар кемаси — «Жон Ф. Кеннеди» авианосеци ва «Виржиния» крейсери, Пентагоннинг ибораларига мувофиқ, Атлантикада «оддий» машқлар ўтказиш улун Норфолкдан (Виржиния штати) чиқиб кетишига сабаб бўлди.

Бундан илгари АП ахборот агентлиги АҚШ маъмуриятининг номи айтилмаган вакилининг маълумотига асосланиб, Американинг расмий кишилари Колумбия вакиллари билан наркотик моддалар ортилган транспортларни ушлаш юзасидан Америка ҳарбий операцияларини кенгайтириш эҳтимолини муҳокама қилдилар.

✦

ТОКИО. Жанубий Корея Корея Халқ Демократик Республикаси билан бевосита савдо-сотиқ ривожлантирилишини ёқлаб чиқмоқда. Ренхап агентлигининг ҳабар беришича, Жанубий Корея ҳукуматининг олий мартабали вакили шу ҳақда маълум қилган. Ҳозирги вақтда унча катта ҳажмда бўлмаган икки томонлама савдо операциялари учинчи давлатлар — бу хусусан Япония ва Гонконг орқали амалга оширилаётганлиги сир эмас, деди у. Бизнингча, бундай практикадан воз кечиш ва иккала мамлакат ўртасида амалий алоқаларни бошлаш зарур. Жанубий Корея ҳукумати бундай қадамни одамлар ўртасида шахсий мулоқотларни ривожлантириш ва иқтисодиётга ўзаро капитал маблағ сарфлай бошлаш йўлидаги муҳим қадам деб билади.

Министрлар кабинетининг вакили Жанубий Корея КХДРда валюта билан боғлиқ эҳтимол тутилган қийинчиликларни эътиборга олиб, «унинг молларини оширилган нархда сотиб олиш, ўз маҳсулотини эса бир мунча пасайтириб сотиш»га тайёр бўлур эди, деб айтди. «Биз хусусий компаниялар шу муносабат билан кўрадиган зарарни шимол билан жануб ўртасидаги ҳамкорликка кўмаклашувчи маҳсус фонддан қоплашга тайёрмиз», деди у. Ҳозирги вақтда Жанубий Корея билан КХДР ўртасидаги савдо-сотиқ операцияларининг умумий ҳажми 21,5 миллион долларни ташкил этмоқда.

(ТАСС).

Меҳр-мурувватли бўлайлик

ОРОЛБЎЙИ БОЛАЛАРИГА

Бу йил Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти Оролбўйи болаларини бепул овқатлантириш учун жуда катта пул юборди. ЎзТАГ мухбири С. ДРАЧЕВ республика жамияти правленисининг раиси О. Т. ВОҲИДОВАдан мазкур жамоат ташкилотининг меҳр-мурувват борасидаги ишлари тўғрисида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Қадим-қадимдан яқин ёру биродарларингга ёрдам бериш сахийликнинг энг олий кўриниши бўлиб келган. Биз минглаб кўнгилли ёрдамчиларимиз — жамият аъзоларидан ҳам, унга расман аъзо бўлмаган фаолларимиздан ҳам вазифамизни бажаришда бераётган ёрдамлари учун миннатдормиз.

Бугунги кунда Орол муаммосига ҳеч ким бефарқ қараётгани йўқ. Биз республикамиздаги ва мамлакатимиздаги бошқа жамоат ташкилотлари билан бирга мазкур региондаги экологик ва тиббий аҳволни яхшилаш юзасидан жуда катта программа ишлаб чиқиб, амалга оширяпмиз. Оролбўйи болалари ва хотин-қизлари учун соғломлаштириш маркази бунёд этишда шерикчилик асосида қатнашиш мақсадида юз минг сўм пул ажратилди, бошқа тадбирларга ҳам бир неча ўн минг сўм сарфланди.

Республикамизнинг ёрдамга ва қўллаб-қувватлашга муҳтож бошқа аҳолисига ҳам эътибор беряпмиз. Бундан бир йилдан сал кўпроқ илгари меҳр-мурувват махсус хизмати ташкил этилганди, ҳозир унда 1500 нафар раҳм-шафқат ҳамширалари ишламоқда. Улар минглаб кексайган кишиларга, уруш ногиронларига, меҳнат ветеранларига, байналмилалчи жангчиларга тиббий хизматни ва беморларни парвариш қилиш ишларини ташкил этишда, маиший масалаларни ҳал этишда беғараз ёрдам бермоқдалар.

Жамиятимиз кам нафақа оладиган пенсионерлар ва ногиронларга, ҳалок бўлган байналмилалчи жангчиларнинг оилаларига моддий ёрдам ҳам кўрсатмоқда. Бешта медицина олий ўқув юртида ва республикамизнинг 38 та медицина билим юртида етим болалар ва афғонистонлик собиқ жангчилар учун жамият стипендияси таъсис этилган. Мамлакатимиз турли регионларининг табиий офатлар, фалокатларга йўлиққан аҳолисига ҳам ёрдам берилмоқда.

— Маблағларни қаердан олаяпсиз?

— Улар аъзолик бадаллари ҳамда аҳолидан, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар коллективларидан кўнгилли равишда тушаётган ҳайр-эҳсонлардан ташкил топади. Ҳар бир киши бизнинг сафимизга қўшилиши мумкин. Қизил ярим ой жамиятининг уй-жой ижтимоий банкининг Тошкент шаҳар Киров район бўлимида 000700378 ҳисоб счёти очилган.



Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, республика Ленин комсомоли мукофоти лауреати Лутфулла Саъдуллаев кўпқиррали нжодкор: моҳир актёр, истеъдодли режиссёр, айни вақтда ҳамкасби Омон Шариф билан ҳамкорликда драматургия соҳасида ҳам ўз иқтидорини синаб кўрди. Йўлдош Охунбобоев номидаги республика ёш томошабинлар театрида саҳналаштирилган, аммо катталарга аталган «Қаҳқаҳа» спектакли бунга мисол бўла олади.

Сатира ва юморга тўла миннатюралар асосида яратилган бу саҳна асари турмушимизда юз бераётган баъзи салбий ҳолатларни ҳажв қилади. Томоша бошлангандан то тугагунча залда қаҳқаҳа тинмайди.

СУРАТДА: спектаклдан бир кўриниш. Ўлмас ролида Тоҳир Миралиев, бошлиқ — артист Ҳабибулла Абдуллаев.

А. РИСҚИЕВ олган сурат. (ЎзТАГ).

ДУНЁНИНГ ИШИ

ҲИКОЯ

Бир неча кундирки, Қоплон ўзгарди. Ҳеч нарсага қарамай қўйди. Унинг учун ҳаммаси барибир: кўзига хунук кўринади. Аввалгидек эгасининг болалари билан энди ўйнамай қўйган. Ўззукун ҳовли четидаги қари марварид тут соясида ётганини-ётган. Болалар ташлаган овқатга қайрилиб ҳам қарамайди. Ҳаммани ёмон кўради. Айниқса эгаси Нусратни кўргани кўзи йўқ. Қаршисида пайдо бўлганда жаҳл билан ириллиб қўяди. Қари тут соясида болаларнинг ўйинини кузатади, холос. Кичкинтойлар қийқириб ўйнашаяпти. Қоплон бир нарсани эслаб ғингшиди, ўрнидан туриб, атрофни искади. Сўнг чорбоққа туташган эски мозорга қараб секин юриб кетди.

Қоплон бундан 5—6 кун аввал эски кўра тагида боладди. Лекин иккитаси ўлиб қолди. Қолган тўрттасини эса еру кўкка ишонмай улар ёнидан бир қадам ҳам жилмади. Аммо очликдан мадори қуриди. Учинчи куни болаларини қолдириб, ялғоғдан суяк, қотган нонларни олиб келди. Эндигина кўзи очила бошлаган, ҳали суяк нималигини билмайдиган кучуклар онаси келтирган нарсаларни ялашди. Мазасини билишмади шекилли, яна онага тирмашишди. Қоплон суякни ўзи еди. Кўра тагига келиб ётди дегунча кучукчалар унинг устларига чиқиб ўйнайдилар. Ҳали жуда кичкина тишлари билан оналарини тишлашади, жажжи тилчалари билан тумшугини ялайдилар, бир-бирлари билан юмалашиб ўйнайдилар. Қоплон уларни кузатиб ётади, баъзан меҳри жўшибми енгилгина тишлаб эркалатади.

Шавкат итнинг болалагани чорбоғда олма тераётганида кўриб қолди. Бир томондан хурсанд бўлди, бир томондан отасининг билиб қолишидан қўрқди. Чунки отаси итни ёмон кўради. Қоплонни уйга олиб келганида ҳам боқишига зўрға кўнган. Устига устак ит тушмагур ҳар йили туғади. Дадаси кўрмагани яхши. Шавкат ҳар куни ит ва унинг болаларига суяк, нон баъзан сут олиб келади. Шунданми, ҳарқалай Қоплон Шавкатни яхши кўради. Болаларига бегонасирамайди. Уларни чорбоққа ўйнатгани олиб чиққанда бир чеккадан туриб кузатади. Баъзан ўзи ҳам ўйинга қўшилиб кетади.

Қоплон бугун болаларини чорбоғда қолдириб, қўшни итлар билан дала томон кетди. Орадан кўп ўтмай бир нарсани сезиб, орқасига қайтди. Даладан уйгача чопиб келди. Қараса болалари йўқ. У ёқ-бу ёқни қидириб чиқди, чақиргандай бўлиб бир-икки вовиллади. Эски ғўзапоялар, тутнинг тагини ҳидлаб ғингшиди. Чорбоққа ўйнаб чиқишгандир, деб ўша ёққа борди. Ундан ҳовлига ўтди. Сўриларнинг тагини, саройни, бостирмаларни — ҳамма жойни қидирди. Аммо кучукчалар ҳеч қаерда йўқ эди. У яна излашда давом этди. Барибир тополмади. Улардан хавотирда эди, эмизмагани учун кечаси билан қийналиб, нола чекиб чиқди. Болалари эртасига ҳам тополмади. Қоплоннинг кўзига дунё тор кўриниб кетди. Ҳар томонга югуради. Кўчага чиқди, бошқа ҳовлиларга кирди. Аммо болалари осмонда ҳам, ерда ҳам йўқ эди.

Қоплон кучукчаларидан тирналган айрилиб қолганидан Шавкат қаттиқ изтироб чекди. Дадасидан ҳафа бўлди.

Укалари билан ўйнаётган Шавкат қари тут тагида ётган Қоплонни кўриб қолди-ю дарҳол унинг олдига бориб, бўйнидан қучоқлади. Гўё иттинг гамига ҳамдард бўлди. Кўзларига тиқилиб: «Болаларингни соғиндингми», «Энди улар йўқ, дадам кўмиб ташлади», — деди. Қоплон тушунгандай ғингшиди. «Юр, сенга болаларинг кўмилган жойни кўрсатаман», — деди Шавкат ва Қоплонни ўрнидан турғизди. Улар дала ўртасидаги зовур бўйига боришди. Қоплон тупроқ тортилган жойни искаб ғингшиди. Оёқлари билан ерни титкилади, кучи етмади. Қаттиқ-қаттиқ ҳуриди. Ўша ерни айланди. Унинг ҳаракатларини кўриб Шавкатнинг раҳми келди. Бир оз ўтиргач, итни ёлғиз қолдириб, уйга қайтди.

Қоплон ҳамон ерни оёқлари билан ковлар, тишимсиз ғингшир, ҳуради. Кўз ёшлари ерга томди. У яна ўрнидан турди. Ер тирнаб ғингшиди. Қоплон шу чиқиб кетганича уйга ҳеч қачон қайтавермади. Дала, касалхонадаги итлар билан санқиб юрди. Баъзан болалари кўмилган жой атрофини айланарди. Бир куни уйига қайтди. Энди авваргидек эмас, унга ҳеч нарсанинг қизиғи йўқ эди. Ҳаммаёқ бемаъни кўринарди кўзига.

Орадан икки йил ўтди. Қоплон бошқа туғмади, қариди. Ҳали ҳам ўшандай бир жойда, кўзини бир нуқтага қадаб ётади. Ўтган икки йил ичида кўп нарса ўзгарди, янгиланди. Қоплон буни сезди. Лекин унга қизиғи йўқ, оёқларини зўрға босади. Туклари тўкилиб кетганлигидан янада озғин кўринади. Кўзлари нурсиз, ҳорғин бўлиб қолган. Кўпинча у ҳовлида қийқириб-қийқириб ўйнаб юрган болаларни кузатиб ётади. Ҳар замон ҳар замонда ғингшиб қўяди.

Икки-уч кундан бери ҳовлида сукунат ҳукмрон. Эгасининг катта ўғли бетоб. Ўтган куни қандайдир оқ машинада уни уйга олиб келишди. Оиладагилар оёқ учида юришади. Қоплон бунга аҳамият бермайди. Фақат эрталаб кўтарилган дод-фарёддан қўрқиб, маккажўхоризорга кириб кетди. Ҳовли одам билан тўлди. Ҳамма йиғлади. Ўша бетоб ўғлини кўрпага ўраб қаергадир олиб кетдилар. Буни Қоплон маккажўхоризор ичидан кузатиб турди. Кейин шу бола ҳавлида кўринмай қолди. Чорбоғнинг этагидаги кўра тагида кунлаб ётар, зовур бўйига борар, икки-уч кун ўша ерда қолиб кетарди.

Баҳор келиб ҳаммаёқ яшилликка бурканди. Қоплон қишдан шундай ҳолсизланиб чиқдики, касал бўлиб қолди. Лекин ҳаётда насибаси бор экан, ўлмади. Баҳорнинг танга роҳат берувчи нурларидан баҳраманд бўлиб, ҳовлининг энг офтобчувак жойида мудраб ётади. Атрофида эгасининг болалари ўйнаб юришади. Кичкинтойлардан бирининг чинқирган овози Қоплонни чўчитиб юборди. У шаҳд билан бошини кўтарди. Қулоғини динг қилиб, атрофга олазарак қаради. Нусратнинг кичкина боласи айвондаги музлатгич ёнида йиқилиб ётарди. Ичкаридан онаси югуриб чиқди. У келиб жонҳолатда боласини кўтарди. У кўкимтир-қора тус олганди. Эртасига ҳовли яна одамга тўлди. Авваргидай дод-фарёд кўтардилар. Оқ матоҳга йўрғакланган болани кўрпага ўраб, қаергадир олиб кетдилар.

Қоплоннинг соғлиғи ёмонлашди. Сўнгги ойларда қуруқ суяк бўлиб қолди. Юришга, ҳатто ўрнидан туришга ҳам мажолсиз эди. У қўрада анчайин қолиб кетди. Очлик тинкасини қуритди. Шу сабабли ўрнидан аранг турди. Бир-икки қадам босиб ўтириб қолди. Яна ўрнидан қўзғалди. Оёғини судраб чорбоғдан ҳовлига чиқди. Тандир олдида турган ялоғидаги ювиндини чилп-чилп ичди. Сўнг шу ерга чўкиб қўя қолди. Нусратнинг кенжа қизи ҳовлидаги беланчакда ухларди. Қоплоннинг хира кўзлари бир нуқтага тикилганди. У ўтирган жойга кун тушди. Сенин туриб, суйган ери — марварид тут тагига чўзилди. Шу пайт кўчадан Нусратнинг йиғлаган овози эшитилди. Қоплон зийрак тортди. Бошини панжара устидан кўтарди. Кўлида машина тагида қолиб қонга беланган ўғлининг жасадини кўтарганча Нусрат кириб келди.

— Сен ўлгунча отанг ўлса бўлмасмиди, болам. Энди мен нима қиламан, жигарим? Кимни ўғлим дейман?

Унинг овозига хотининнинг, бошқаларнинг йиғиси қўшилди. Нусрат боласининг жонсиз жасади олдига чўкканча осмонга қараб нола қилди.

— Эй, худо, сени парвардигорим дегандим-ку? Бунчалар шафқатсиз бўлмасанг? Икки норасидамнинг жони етмаганмиди сенга? Бунисини ҳам кўп кўрдингми? Қайси қилган гуноҳларим учун мени бунча азоблайсан? Улардан кўра менинг жонимни олсанг бўлмайдими?

Нусрат тиззасига муштлганча ўкириб-ўкириб йиғлайди. Қоплон унга бепарво қарайди. Бундан кўп нарсани уқса бўлади. Нусрат эса Қоплонни хаёлига ҳам келтирмас, елкалари силкинасилкина ўхшраб йиғларди. Қоплон юзини бурди-да, ўрнидан зўрға қўзғалди. Оёқларини судраганча зовур томон кетди. Шу қуйи бу ҳовлини абадий тарк этди...

Назира СОДИҚОВА.

ҲОСИЛ БАЙРАМИ

Фарғона областида деҳқонларнинг ҳосил байрами жуда кўнгилли ўтди. Шиваллаб ёғаётган ёмғир ҳам, кейинчалик капалакдек ўйнаб ерга тушалган оппоқ қор ҳам байрамга келган кишиларнинг кайфиятини бузолмади. Шанба куни область марказининг отчопорида ўтказилган байрам деҳқонларнинг хотирасида узоқ сақланиб қолади.

Қишлоқ меҳнаткашлари ўтган йилнинг сарҳисобини чиқариш, тажриба алмашиш, келаси мавсум режаларини муҳокама қилиш учун бу ерга тўпланган эдилар. Сарҳисоб қилса арзийдиган салмоқли ютуқлар бор эди: область пахтакорлари тиклаган хирмон 532 минг тоннадан ошиб кетганди. Давлат буюртмаси тўла бажарилди. Чорвадорлар, боғбонлар ва соҳибкорларнинг муваффақиятлари ҳам кишини қувонтиради. Ҳамкасблар бир-бирлари билан учрашганларидан жуда мамнун бўлишди.

Шундан кейин байрамнинг бадиий қисми бошланди. Отчопарда қишлоқ спортчилари: курашчилар, енгил атлетикачилар, мотоциклчилар ўз маҳоратларини намойиш этишди. Сўнг дорбозлар, бадиий ҳаваскорлик коллективлари, моҳир қўшиқчи ва раққосаларга навбат берилди. Байрам анъанавий от пойгаси ва миллий улоқ ўйини билан ниҳоясига етди.

Фарғонадаги тантаналарда қўшни Андижон ва Наманган областларидан, Қирғизистон ССР Ўш областидан келган меҳмонлар қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

СПОРТ ахбороти

ТЕННИС

Брисбер шаҳрида (Австралия) ўтказилган халқаро мусобақа ниҳоясига етди. Бу йирик турнирда мамлакатимиз шарафини минсклик Наталья Зверева муносиб ҳимоя қилди. Моҳир теннисчимиз барча учрашувларни кўтаринки руҳда ўтказиб, мутахассису мухлислар эътиборини қозонди. Айниқса финалда ажойиб ўйин кўрсатиб, майдон эгалари вакили Рэчэл Маккиланни доғда қолдирди — 6:4, 6:0.

* * *

Австралиянинг Сидней шаҳрида яна бир халқаро мусобақа бошланди. Унда турли мамлакатларнинг теннисчилари ғолиблик учун баҳсга киришдилар. Уфалик Андрей Черкасов дастлабки учрашувда чехословакиялик кучли теннисчилардан бири Пётр Корддан устун келди — 6:1, 4:6, 6:4.

ФУТБОЛ

Москванинг «Динамо» ва «Спартак» командалари ГДР ва ГФР даги ёпиқ биноларда ўтказилган анъанавий халқаро мусобақаларда муваффақиятли қатнашдилар.

Динамочилар Берлиндаги турнирда иштирок этдилар. Пойтахтлик футболчилар ярим финалда «Боруссия» (Менхенгладбах) клубини мағлубиятга (3:1) учратдилар. Финалда эса «Бремен» (Вердер) клуби билан учрашиб, 5:2 ҳисобида ғолиб чиқдилар.

Спартакчилар Кёльндаги мусобақада ўзларини кўрсатишди. Улар финалда «Байер — 04» (Ливеркузен) клубини йирик ҳисобда (7:1) енгдилар. Турнир якунида спартакчи С. Черчесов энг яхши дарвозабон деб тан олинди.

БАСКЕТБОЛ

Варшавада анъанавий халқаро мусобақа бўлиб ўтди. Унда Москванинг «Динамо» командаси бош совғни соҳиби бўлди. Динамочилар ҳал қилувчи матчда «Полония» (Варшава) клубидан устун (122:79) келдилар.

* * *

Мамлакат биринчилигида иштирок этаётган аёллар командалари навбатдаги учрашувларни ўтказдилар. Абовяннинг «Адис» командаси Минскнинг «Горизонт» коллективини 79:59 ҳисобида енгди.

Бошқа ўйинлар қуйидаги натижаларни берди: «Динамо» (Москва) — «Электросила» (Ленинград) — 80:87, «Динамо» (Новосибирск) — «Молдова» (Кишинёв) — 77:73, «Динамо» (Киев) — «Динамо» (Волгоград) — 89:73.

ХОККЕЙ

Оттавада Квебек кубоги учун ўтказилган мусобақа ниҳоясига етди. Унда иштирок этган мамлакатимиз ўсмирлар терма командаси учинчи ўринни эгаллади. Финляндия терма командаси мусобақа ғолиби бўлди.

ҚУЛ ТУПИ

Испаниянинг Кадис шаҳрида ўтказилган халқаро мусобақада СССР терма командаси ғолиб чиқди. Вакилларимиз барча уч учрашувни ўз фойдаларига якунладилар. Мусобақанинг охирги куни майдон эгалари — Испания гандболчиларини 34:31 ҳисобида енгишди.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ҒАЛАТИ ОДАМ

Франциядаги Абвиль шаҳри (Сомма департаменти)нинг кўпин кўрган полициячилари ўз исми ва адресини унутиб қўйган, Францияга қандай келиб қолганлигини билмайдиган киши билан тўқнашиб қолганларида нима қилишларини билмай, довдираб қолишди.

Нотаниш кимсанинг бу ерда пайдо бўлишининг ўзи сирли. Франс Пресс агентлигининг хабар қилишича, уни декабрь ойнинг охирларида тонг саҳарда шаҳардан оқиб ўтувчи Сомма дарёсининг тик қирғоғига киймлари жиққа ҳўл ҳолда чиқиб олишга интилаётганида пайқаб қолишган. Бу киши йўловчиларнинг саволларига ўлда-жўлда жавоб қайтарган ва карахт ҳолатда бўлган. Бу ғалати одам билан қизиқиб қолган полиция унинг ёнида ҳужжатлари ҳам, пули ҳам йўқлигини, фақат инглиз тилида гапиришини аниқлаган. Нотаниш киши полицияда ўзини Ричард Кросс, кейинроқ Жексон, деб атаган. У дайди эмаслиги яққол кўриниб турибди, чунки у яхши кийинган, дуруст таълим кўрган одам.

Гарчи терговни олиб боришга қўшни Булонь шаҳридаги инглиз элчихонаси ҳам қўшилган бўлса-да, бирорта саволга жавоб топилмади. Британия дипломати фақат нотаниш кимсанинг инглиз тилини мукаммал билишинигина тасдиқлай олди, холос. Айни пайтда Скотланд-Ярд бу одамнинг Буюк Британиядаги қариндош-уруғларини қидира бошлади.

УТМИШДА ҚОЛИБ КЕТМАДИ

Франс Пресс ахборот агентлиги Францияда трамвайнинг дастлабки линияси ишга туширишганлигига роса юз йил тўлганлигини хабар қилди.

1890 йил 7 январида, АҚШда жаҳонда биринчи трамвай линияси ишга туширишганидан кейин икки йил ўтгач, Франциянинг Клермон-Ферран шаҳрида электр билан юрадиган трамвайлар мунтазам қатнай бошлади. Дастлабки трамвайлар соатига 20 километр тезлик билан ҳаракат қиларди. Шунга қарамай, улар Франциядаги аксарият шаҳарларнинг кўчаларидан от араваларни қисиб чиқарди. Аҳолиси 50 минг кишидан ошмайдиган Клермон-Ферранда трамвайлар улардан фойдаланишнинг дастлабки йилларидаёқ миллионга яқин йўловчини таширди.

Лекин вақт ўтаверди ва эллигничи йилларга келиб кўпгина йирик шаҳарларда трамвай жамоат транспортининг анча замонавий турларига ўз ўрнини бўшатиб берди. Лекин бир вақтлар трамвайни шаҳар кўчаларига сиғиштирмаган автотранспорт ҳозир унинг ҳаракати тикланишига тобора кўпроқ ёрдам бераяпти: юз ёшга кирган транспорт турининг экологик жиҳатдан тозалиги Францияниг ўттиз йил муқаддам трамвай билан хайрлашишга шошилган бешта шаҳрида энди кўпгина линиялар қайта ишга туширилишига ёрдам берди.

МУЗ ҲАЙКАЛЛАР

Хитойнинг шимоли-шарқида жойлашган Харбин шаҳри аҳолиси ва меҳмонлари кўз ўнгида Модерн услубида қурилган кўҳна ибодатхоналар ва бинолар, ўнлаб эртаклар қаҳрамонлари, ғаройиб гуллар ва жониворлар, ҳатто бутун-бутун манзаралар намоён бўлди. Уларнинг барчаси шаффоф ва рангли муздан тайёрланган. Бу ерда муз ва қордан ишланган ҳайкалларнинг анъанавий фестивали очилди. Ушбу фантастик манзарани «муз мусаввирлари»нинг моҳир қўллари яратган.

Хитой ҳайкалтарошлари ўтган йилнинг декабрь ойи бошларидан буён бу одатдан ташқари қурилиш материалидан мингга яқин асар яратдилар. Муз ҳайкаллари, айниқса кечки соатларда усталик билан ёритилиб, фантастик ранглар билан товланганида, аллақандай илоҳий вазият, сеҳргарлик салтанатини яратганида нафис жозиба касб этади. Бу салтанат ёшу қари барча кишиларда унутилмас таассурот қолдиради.

АҚШ АҲОЛИСИ

АҚШ аҳолиси 1990 йил бошига келиб 249,1 миллион кишини ташкил этди. Савдо министрлиги рўйхатга олиш бюросининг маълумотларига кўра, 1980 йилдан буён ўтган давр ичида мамлакат аҳолиси 10,2 фоиз ёки 23,1 миллион киши кўпайган.

Демографларнинг фикрича, АҚШ аҳолиси жорий йилда 2,5 миллион киши кўпаяди. 1956 йилда бу ерда аҳоли шу пайтга қадар энг кўп даражада — 3,1 миллион киши кўпайган эди.

Муҳаррир А. F. МУХТОРОВ.

«ОҚ ЖЎЛ» ҲИММАТИ

Сирдарё районидаги «Сирдарё» совхози маданият саройи қошида «Оқ жўл» бадиий ҳаваскорлик ансамбли ташкил этилганлигига ҳали кўп бўлгани йўқ. Ёш санъаткорлар қисқа муддатда хўжалик меҳнаткашлари ҳурмат-эътиборини қозонишди. Улар турли касб эгалари, ишчи, чорвадор, механизатор, ўқувчилар ўзларининт юкрочилик маҳоратларини ошириб, репертуарларини бойитишмоқда. Айниқса, ишчи Жамила Ҳайдарова, болалар боғчаси тарбиячиси Ғулнора Шерқулова, идора ходими Ғулнора Абдуҳафизова, пахтакор Зулхумор Усмонова, ўқувчи Ғаффор Берднёровлар ижро этган куй, қўшиқ, рақслар томошабинларга манзур бўлмоқда.

Ансамбль репертуарида ўзбек, қозоқ, рус халқ қўшиқлари бор.

— Биз ҳаваскорлар коллективи моддий базасини мустаҳкамлашга, уларга зарур кийим-кечак, музика асбоблари олиб беришга етарли аҳамият бераяпмиз, — деди хўжалик директорининг маданий ишлар бўйича ўринбосари Ҳайитбой Туропов.

«Оқ жўл» ҳимматидан ҳамма мамнун.

А. БУРЛИЕВ.

ҚАЙТА ҚУРИШ ТАРАФДОРИ

Митти ҳажвия

Қайта қуриш ҳақида энг кўп гапирувчилардан бири Салим Каримович: «Инсон онгида ўзгариш, виждонан покланиш рўй бермас, ошна-оғайнигарчилик каби яроқсиз иллатларга нафрат ҳисси уйғонмас экан, қайта қуриш сўзда қолаверади», — дерди минбарда оғзидан тўфук сачратиб.

Яқинда тасодифан телефондаги сўзлашуви диққатимни тортди.

— Келинойингизнинг иситмаси баланд. Доридан ёрдам бермасангиз бўлмайди, —дерди у. — Қайсинисидан бўлардинг? Ҳалиги катталарга аталганидан-да... Ҳа, отангизга раҳмат. Ия, камёбмиди? Тугадими? Оббо... Укажон, энди бир қўллаворасиз-да. Ҳозир олдингизга ўтаман. Э, яшанг, ука!

Салим Каримович менга ёвқараш қилди-да, телефонни жаҳл билан нари сурди. Кейин одатдаги сўзларини такрорлади:

— Инсон онгида ўзгариш, виждонида покланиш рўй бермас, ошна-оғайнигарчилик каби яроқсиз иллатларга нафрат ҳисси уйғонмас экан, қайта қуриш сўзда қолаверади, укам.

Қайта қурувчининг бу сафарги насиҳати ғашимни келтирди.

Рауф СОАТОВ.

ТАБИАТ ВА ИНСОН

СОВХОЗ ҚЎРИҚХОНАСИ

Мирзачўлдаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» номли совхозда орнитологлар ҳали хабар топмаган серташвиш қушлар салтанати пайдо бўлди. Маҳаллий аҳоли ўз ҳовлиларида меҳр қўйиб ясаган кенг қафасларда қирғовул ва товуслар, колибри ва тўтиқушлар, цесарка ва беданалар жойлашган.

Бу ерга биринчилар сафида кўчиб келган чўлқувар В. Г. Керенкер ана шу ўзига хос қўриқхонанинг асосчиси бўлди. Бундан беш йил муқаддам, Виктор Готлибович аллақачон пенсияга чиқиб бўлган пайтларда тасодифан учта ғоз сотиб олган эди. Шундан кейин унинг ҳовлисида хилма-хил қирғовуллар — кумушсимон, румий, зархал паррандалар яшай бошлади.

Ҳозир Виктор Готлибович етмиш ёшда. Лекин ғайрат шижоатли бу одамнинг паррандаларга ишқибозлиги камаймаяпти. У зарур китобларни ўқимоқда, орнитология соҳасида тажриба орттирмоқда. У паррандаю-паррандаларнинг билимдонигина бўлиб қолмасдан, шу билан бирга ишқибозлигига ўзгаларни ҳам жалб этмоқда. Совхозда кўпчилик ундан ўрнак олди. Ҳозир бу ердаги кўпгина ҳовлилардан қушлар шовқини эшитилиб турибди.

— Унинг қушларга ишқибозлиги менга ҳам юқди, — дейди совхоз директори А. Холиқов. — Мен уйимда товус боқа бошладим. Бундан ҳордиқ чиқариш билан бирга табиатдан, унинг нафосатидан баҳра олиш ҳам мумкинлигини тушуниб етдим. Бизга қушларни парваришлашга ёрдамлашаётган фарзандларимиз ва набираларимиз эса албатта хушфеъл ва меҳрибон кишилар бўлиб етишадилар. Турган гапки, улар «кичик биродарларимизни» ҳеч қачон ҳафа қилишмайди, деб ўйлайман.

Л. ЕЛИЗАРОВ, ЎзТАГ мухбири.

ХАНДАЛАР

АНИҚ МАНЗИЛ

— Янги йил куни қаерда бўласиз? — сўради алоқа бўлимининг бошлиғи участка хабарчисидан.

— Яйловда.

— Байрам куни уёқда нима қиласиз?

— Икки ойлик почтани тарқатаман.

БИРИ ТОҒДАН...

Колхоз раиси:

— Мен районга кетганимда комиссия келганмиш. У нимани текширди?

Бош бухгалтер:

— Келиб тафтиш қилди. Лекин гапларига ҳечам тушунолмадим. Деворий газетани нега чиқармадингиз, дейдими-ей. Балансимда ҳеч қандай деворий газета йўқ. Тавба!

ЯНГИ СПРАВКА

Бухгалтер:

— Онахон, газ ва электр токидан ярим нархда фойдаланганлигингиз учун район социал таъминот бўлимидан янги йилга яна справка олиб келишингиз керак.

— Болам, аввалги испарапкам янгигина эди-ку, бир йилга етмасдан эскирдими?

БЕГОНА РЕВИЗОР

Бош бухгалтер:

— Раис бува, ижрокомдан Аллаев ҳозиргина қўнғироқ қилиб, клубларингизни тайёрлаб қўйинглар, янги йил куни сизларга область театрининг «Ревизор»и боради, деди.

Раис:

— Нега энди область театрининг ревизори келаркан, бизга бошқармадан келарди-ку? Демак, бегона ревизор юбораётган эканлар, аввалги тафтиш бўйича шикоят тушган. Клубни қўйинг, ҳозироқ бориб меҳмонхонани тайёрлатинг.

Нормамат ТОҒАЕВ.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»— «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-16-27-, 32-54-41, Масъул котиб, — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими — 33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими — 32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Таржима бўлимлари — 32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Р. — 01017. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Д. 1107. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12